O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 27-fevral • № 8 (3735)

2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

МАЪНАВИЯТ – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

Тараққиёт нечоғли юксак босқичга кўтарилмасин, инсоннинг инсонлигини, жамиятнинг жамиятлигини белгилайдиган бош омил маънавият бўлиб қолаверади. Шу маънода, мамлакатимиз ҳукуматининг маънавиятга устувор аҳамият бераётгани бежиз эмас. Куни кеча "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб ўтган республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилиши худди шу масалага бағишланди.

Бугун миллий маънавиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир вилоятда Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолият кўрсатаётгани, ёш авлодни Ватан ва миллатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шу орқали озод ва обод Ватанни, келажаги буюк давлатни барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшиш бу кенгашларнинг асосий вазифаси этиб белгиланган бунга далил.

Мустақилликнинг ўтган ўн икки йилида бу борада муайян натижалар қўлга киритилди. Шунинг баробарида, камчиликлар етарли, қилиниши зарур бўлган ишлар ҳам талайгина. Кенгашнинг вилоят бўлимларида кўпинча тадбирлар номига, хўжакўрсинга ўтказилади. Миллий истиқлол ғоясининг тарғиби қатъий режа асосида мунтазам олиб борилмаяпти. Бунда адабиёт, санъат каби бетакрор воситалардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

Вилоятларда нашр этилаётган айрим газеталар миллатимизнинг асл табиатига ёт мақолаларни эълон қилмоқда. Баъзи таълим муассасаларида ҳатто давлатимиз рамзларига ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев йиғилишда миллий маънавиятимиз ҳамда меҳр ва мурувват йили дастури ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларга эътибор қаратди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қ.Аъзамов маърузасида, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти таҳлил этилган чиқишларида ҳам бу ҳақда фикр юритилди. Йиғилишда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қатнашди.

Р.ХЎЖАҚУЛОВА

ЯНГИ ФИЛМ

Обид Асомовнинг "Дев билан пакана" филмидаги қаҳрамони Зулфиқор бу дунёга сиғмайди. Полвон-ку майли, гавдаси девдай, шу катта савлати билан Тошкентдай шаҳри азимда бегона... Зулфиқор-чи, Зулфиқор?! Ҳаётда пихини ёрган, устомон, ғайратли, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, интилувчан Зулфиқор-чи? Шу кичик жуссаси билан Зулфиқор ҳам бу дунёга сиғмайди! Чунки Зулфиқор айёр ва устамон бўлса-да, виждонини, имонини буткул йўқотгани йўқ. Бу дунёнинг бевафоларидан, мунофиқларидан, ёмонлардан Зулфиқор ҳам зарба еган, куйган, безор бўлган. У ҳам, Полвон каби, иккиюзламачиликка, адолатсизликка, бу дунёнинг разолату хиёнатларига ўзини бегона тутади.

Кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг трагикомедия жанрида суратга олинган "Дев билан пакана" филмини томошабин илиқ кутиб олди. Киносеансларда одам гавжум. Кинозалларни тарк этаётган мухлисларни кузатганимда, аксариятининг кўзида ёш кўрдим... Шунда "Дев билан пакана" филмидаги Зулфиқорнинг сўзлари ёдимга тушди. Бу сўзлар филмнинг асосий ғоясини ифода этади.

— Парво қилма, бола, — дея юпатди полвонни Зулфиқор. — булар бариси майда одамлар. Буларга ўхшагунча... ман ўзимни... осаман!.. Ман ўзимни... — сал наридаги, ўн олти қаватли бинони кўрсатди, — ман ўзимни ҳу анави уйнинг тепасидан ташлайман!

Полвон индамади.

— Булар дунёни фақат сомса билан ўлчайди, пул билан ўлчайди, — деди Зулфиқор баттар фиғони чиқиб, — ман дунёни... биласанми? ...нима билан ўлчайман?

Полвон ошнасининг ўлчов борасидаги меъёру мезонларини билмасди, шу боис таққа тўхтаётган ҳар жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Икки ёрти бир бутун бўлиб яхши бир инсонга айланади улар...

Филмда икки дунё, икки қарама-қарши қутб, икки дунёқараш бирлашуви эзгу нуқтада хотималанади.

Ҳа, Полвон ва Зулфиқорнинг ўрни меҳр-мурувватли, оқибатли одамлар орасида, эзгулик ва яхшилик дунёсида. Айнан шундай дунёларга сиғади улар, шундай дунёларда яшашга ҳақлидир...

Феруза НОДИРОВА

ИККИ ЁРТИ БИР БУТУН

ди ва саволомуз боқиб турди. Зулфиқор ҳам тўхтади ва тантанавор эълон қилди:

— Ман дунёни сан билан ўлчайман!

Яна бир лавҳада катта давлат ва мавқега эга бўлган Муродхон Окага Зулфиқор шундай дейди.

— Ман кичкинаман, окам, лекин инсофим бор...

"Дев билан пакана" филмидаги қаҳрамон хусусида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли санъаткор, сўз устаси Обид Асомов билан фикрлашдик.

— Обид ака, "Дев билан пакана" — комедия жанридаги филм. Лекин кулги замирида қандайдир дард, армонларни, эзгу инсоний туйғуларни ҳис этиш қийин эмас.

— Мен филм сценарийсини қўлга олганимда айнан шу инсоний туйғу ва дарддан таъсирландим, сценарий менга жуда маъқул келди. Қаҳрамоним Зулфиқор руҳиятида ўзим билан яқинликни сездим. Мухлисларимиз назарида биз "қизиқчи" бўлиб мухрланиб қолганмиз. Тўғри гапимизга ҳам кулаверишади баъзан... Ҳатто йиғлашга ҳам ҳаққимиз йўқдек. Кайфиятингиз бўлмаса, баъзан одамлар буни тушунмайди, манманликка йўйишади. Бу Обид нимага кулмаяпти? Ахир, у қизиқчи-ку! Гўёки эрталабдан кечгача кулиши, кулдириши керак у...

Шу жиҳатдан "Дев билан пакана" филми мен ҳақимдаги шаблонни, қолипни синдириши керакдек туюлди. Сценарийни ўқиш жараёнида Зулфиқордаги дардли туйғуларни юракдан ҳис қилдим. Ўзимдаги яширин туғёнлар, дард-армонлар кино орқали юзага чиқиб кетди. Мен ҳам, сиз каби, кулгидан кўра кўпроқ маъюс ҳолатда кинозални тарк этаётган томошабинларни кўрдим. Назаримда, кўзлаган ниятимизга етдик.

— Филмнинг энг муваффақиятли жиҳатлари нимада деб биласиз?

— Фикримча, бу филмда кўплаб актёрларнинг ижодий имкониятлари очилди. Полвон ролини ижро этган дебютант актёр Нодир Саидалиев ва бошқа ижрочилар юракдан ўйнашди. Шахсан ўзим ҳам филмнинг бирорта саҳнасида томошабинни кулдиришга ҳаракат қилмадим. Сценарийдан четланмаган ҳолда, юрагимдагини тўкиб солдим. Ўзимизча комедия экан деб, томошабинни кулдиришга ҳаракат қилмадик. Жиддийликдан ҳам кулги келиб чиқаверади филмда. Бачканалик, сохталик, юзакиликдан қочишга интилдик.

Ижодий гуруҳ муваффақиятли жамланган. Муаллифлардан тортиб бастакору монтажчиларгача, актёрлару режиссёрларгача — барча ҳамжиҳатликда ижод қилди. Филмдаги энг муваффақиятли образлардан бири — Муродхон Ока ролини бутунлай бошқа актёр ижро этиши керак эди. Лекин у касал бўлиб қолиб, рол ажойиб санъаткор Баҳодир Йўлдошевга насиб этди. Профессионал режиссёр, актёр Баҳодир Йўлдошев бу образни маҳорат ва самимият билан талқин этди. Ёки Саид Мухторов, Фотиҳ Жалолов қаҳрамонларини олайлик. Ҳар бирида қанча эҳтирос ва табиийлик бор!

— Муаллифларнинг айнан Сизнинг қаҳрамонингиз — Зулфиқор орқали ифода этмоқчи бўлган асосий ғоя қандай?

— Филмни кўрган томошабин балки фикримни маъқуллар, балки йўқ. Назаримда, иккита инсон — бири катта, бири кичик — Дев ва пакана, тақдир тақозоси билан учрашади. Бу ҳам бир тасодиф. Иккита инсон бир-биридан кўп нарсани ўрганади. Полвондан Зулфиқор соддаликни, очиқ кўнгиллиликни, яхшиликни қабул қилади. Полвон эса Зулфиқордан шаҳар ҳаётига кўникишни, одамларни фарқлашни, ҳаракатчанликни, орзу-ҳавасни ўрганади. Зулфиқор ва Полвон ҳар жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Икки ёрти бир бутун бўлиб яхши бир инсонга айланади улар...

Филмда икки дунё, икки қарама-қарши қутб, икки дунёқараш бирлашуви эзгу нуқтада хотималанади.

Ҳа, Полвон ва Зулфиқорнинг ўрни меҳр-мурувватли, оқибатли одамлар орасида, эзгулик ва яхшилик дунёсида. Айнан шундай дунёларга сиғади улар, шундай дунёларда яшашга ҳақлидир...

Феруза НОДИРОВА

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ҲАЁТДАН ИЛҲОМ ОЛАМАН

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида таниқли ҳайкалтарош Азамат Ҳотамовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ижодкорнинг ҳайкалтарошлик ва графика йўналишидаги асарлари намойиш этилди. Кўргазмани томоша қилар экансиз, асарларнинг аксариятида "аёл" образи объект қилиб олинганини кўрасиз. "Бола ушлаган аёл", "Оналик", "Сурхондарёлик гўзал", "Ўйга толган илҳом париси", "Аёл орзуси" кабилар бунга мисол бўла олади. А. Ҳотамов асарлари кишига ўзгача руҳ бағишлайди, гўзал ва беғубор оламга етаклайди. Бунга у шаклларнинг нозик ўйини орқали эришади.

Рассом "Қайси йўналишда ижод қилиш сиз учун қулай?" — деб сўраганимизда шундай деди: "Мен йўналиш танламайман, кўпинча натурадан фойдаланаман. Масалан, бирон нарсага қараб ёки одамга қараб асар яратаман. Ҳайкалтарошлик бўйича эса ўша чизган объектимнинг иньикоси сифатида гипсдан, ёғочдан, тошдан ҳайкаллар ясайман. Тўғриғи, бадиий йўналишни ҳаётдан излайман".

Дарҳақиқат, А. Ҳотамов ҳаётда бирор инсон, нарса ёки буюм қандай кўринишда бўлса, шундайича мўйқаламга олади ва унга сайқал бериб, мафтункорлик бахш этиб, кишиларнинг ўзига қайтаради.

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА

Суратда: рассом иш устида. *Ҳусайнбек НОДИР сурати.*

"РЕГИСТОН" ЭКСПРЕССИ

САМОЛЁТДАН ШИНАМ, "МЕРСЕДЕС"ДАН ҚУЛАЙ

Эрта тонг. Пештоқига "Регистон" деб ёзиб қўйилган янги электропоезд сафарга шай турибди. Самарқанд сафарига отланган йўловчилар бирин-кетин кенг ва шинам вагонларга чиқиб, ўз жойларини эгаллашмоқда.

"Регистон" экспресси одатдаги поездларга сира ўхшамагани боис дарров киши эътиборини тортади. Ҳар бир купедаги қўш телевизор, термосдаги иссиқ чой, қайноқ кофе ва бошқа қулайликлар — ҳаммаси биз учун янгилик.

Тошкент вақти билан соат — 06.50. Самарқанд сафарига шайланган замонавий тезюрар поезд оҳиста жойидан жилди ва бир зумда зувиллаб шаҳарни ортда қолдириб елиб кетди. Худди уйингиздаги ораста меҳмонхонада ўтиргандай эмин-эркин жойлашиб, янги поезднинг афзалликларини мушоҳада қила бошлайсиз. Ўзўзидан уни бошқа транспорт турлари — айтайлик самолёту энг комфортабел автобуслар, хорижда ишлаб чиқарилган енгил машиналар билан қиёс этасиз. Дастлабки таассуротингиз шундай бўлади: "Регистон" экспресси уларнинг ҳаммасидан устун. Негаки, у сизни қўрқитмайди ҳам, ортиқча уринтирмайди ҳам.

АҚШнинг *Union Pacific* компанияси 1920 — 1930 йилларда Ford T автомобиллари ва сал ўтиб фуқаро авиацияси ривожлангач, кучли рақобатга дуч келганига қарамай, бугунги кунга келиб, АҚШнинг темирйўл компаниялари орасида энг биринчи ўринга чиқиб олганини назарда тутадиган бўлсак, 2004 йил арафасида Тошкент ва Самарқанд орасида қатнай бошлаган "Регистон" экспрессига қулайлигу шинамликда, хавфсизлигу орасталикда, купеларида яратилган шароитлару тезюрарликда биронта транспорт воситаси тенглашолмайди.

Аввало, шуни айтиш керакки, "Регистон" экспрессини фақат оддий транспорт воситаси сифатида тушуниш унинг аҳамиятини бирмунча торроқ ифодалаган бўлур эди. Ў шунчаки бир шаҳардан иккинчисига етказиш воситаси эмас — у янги давр, янги замон маҳсули. Шу боис унда йўловчининг вақти самарасиз ўтмайди. Негаки, йўловчи темирйўлнинг ҳар икки тарафидаги манзараларни завқланиб томоша қилиб кетади. Купелар ва ўтиш йўлаги орасидаги деворлар ойнаванд бўлгани учун ҳар икки томонни бирдек кўриш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, "Регистон" поезди Тошкентдан Самарқандга етгунча бирон бекатда ҳам тўхтамасдан сизни манзилга етказади. Янги экспресснинг кенг ва шинам купесида юмшоқ ўриндиққа чўкиб, атрофдан лип-лип ўтаётган манзаралар таассуротидан завқланиб боракансиз, беихтиёр хаёлга бериласиз. Қанийди, бундай оромижон — жон роҳати бўлган поезддаги сафарингиз Самарқандда тўхтаб қолмаса. Шундоқ узатсанг қўл етгудек жойдаги Навоийу Бухоро, Қаршию Термиз, Урганчу Нукусга қадар давом этса! Юртимизнинг барча темир йўлларидан барча манзилларга шундай транспортлар қатнаса.

Шинам вагонимиз сарбони Хурсанд Мираҳмедов фикримизни уққандек, бу борада "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси олиб бораётган ишлар билан таништира бошлади. Унинг айтишича, яқин ойлар ичида Тошкент ва Самарқанд оралиғида қатнаётган мазкур экспрессни Хитойдан харид қилинган тезюрар электровозлар торта бошлайди. Йўлнинг техник ҳолати ҳам кун сайин такомиллашиб бормоқда. Шунинг ҳисобига қатнов вақти яна бир соатга қисқариши кутилмоқда.

Иккинчи муҳим янгилик шундан иборатки, ҳозир Самарқанддан Бухорогача бўлган темирйўл ҳам тўлиқ электрлаштирилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ бу иш ниҳоясига етиши билан пойтахт ва Бухоро ўртасида "Регистон" типидаги экспресслар қатнай бошлайди.

Албатта, бундай поездлар ҳозир кўпроқ Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларни қисқа вақтда томоша қилиб, айни чоғда, дам олиб, жаннатмакон Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, кенг ва фусункор дала-боғларини кўриб қайтишни хоҳловчи сайёҳлар учун катта шароит яратади. Бундай шароитни эса самолётда ҳам, энг комфортабел автобусларда ҳам топиб бўлмайди. Чунки жаҳон андозалари асосида жиҳозланган бундай тезюрар электропоездлар ҳар жиҳатдан устунликка эга. "Регистон" экспрессига доир яна бир янгилик шуки, тез орада унда янги типдаги вагон-ресторанлар ҳам хизмат кўрсата бошлар экан.

Фақат сайёҳларгина эмас, хизмат сафари билан тарихий шаҳарларимизга йўл олган ишбилармон ва тижоратчилар — барча касбдаги юртдошларимиз учун ҳам бу поезд ниҳоятда қулай. Албатта, поезд чиптасининг нархи ҳам кўп нарсани белгилайди. Шу боис ҳозирдан унинг қанчалиги билан қизиқаётганлар кўп. Уларнинг аксарияти ҳали бу поездда юриб кўрмаган ва уни оддий транспорт воситаси сифатида тасаввур қилаётганлардир. Шунинг учун ҳам дастлабки кезларда барча йўловчиларнинг янги поезд афзалликларини ўз кўзлари билан кўришлари учун унинг чипта нархларини вақтинча нисбатан арзонроқ қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ эмасмикан, деб ўйлаб қоласиз. Шундай қилинса, бу поезддан бир марта фойдаланган киши уни ёқтириб қолиши ва доимий йўловчисига айланиши тайин.

...Орадан тўрт соат ўтгач, "Регистон" экспресси Самарқанд вокзалига оҳиста келиб тўхтади. Янги поезднинг кўҳна ва навқирон шаҳарга, қадим пойтахтнинг гўзал шоҳбекатига нақадар ярашиб тушганини айтмайсизми! Йўловчилар, мезбонлар худди янги чиққан автомобилни завқланиб томоша қилгандек, янги экспрессни ҳавас билан кўздан кечиришар, унинг имкониятларига баҳо беришарди.

Йўлинг ҳамиша ойдин бўлсин, "Регистон" экспресси!

М.ЭШМУРОДОВ

НИМА ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК?

БИРИНЧИ СИНФ «МАТЕМАТИКА» ДАРСЛИГИ ЎҚИТУВЧИЛАРДА ШУНДАЙ САВОЛ ТУҒИЛИШИГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Мазкур ўқув йилида 1-синф учун янги математика дарслиги (муаллифлар: М.Аҳмедов, Р.Ибрагимов, Н.Абдураҳмонова, М.Жумаев) ва математикадан ўқув дафтари (муаллифлар: М.Жумаев, М.Аҳмедов, Н.Абдураҳмонова) бўйича дарс ўтдик.

2003 йили чиқарилган бу янги дарслик ва дафтар кўпдан-кўп хатолар билан нашр этилгани бизни ҳайрон қолдирди.

Дарсликда 1 дан 10 гача бўлган сонларнинг ҳосил бўлиш усуллари кўрсатилмаган, нима учун турли нарса-буюмларнинг бир хил миқдори бир хил сонлар билан белгиланиши тушунтирилмаган. Бундан ташқари, 6 (7, 8, 9, 10) сони — рақамининг ёзилиши билан танишгандан сўнг ўқувчилар 3+6, 4+5 ва шунга ўхшаш кўринишдаги мисолларни ечишлари керак. Бундай мисолларнинг қандай ечилиши эса дарсликда кўрсатилмаган. Болалар 10 ичида қўшиш ва айиришга доир барча мисолларни ечиб бўлганларидан сўнг, дарсликда «10 ичида сонларни қўшиш ва айириш» мавзуи (39 — 70-б.) бериладики, аслида ўқувчилар дастлаб бирни қўшиш (ёки айириш), сўнгра 2 сонини қўшиш (айириш) ва ҳоказони ўрганадиган мисолларнинг ечилиши билан танишишлари керак. Дарсликда бунга ҳеч қандай тушунтириш берилмайди. Бу ерда ўқувчилар учун мураккаб бўлган *сон таркиби* ҳақидаги масала *қўшиш жадвалини* ўрганишдан олдин бериладики, бу методика нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас ва ҳеч қачон ўзини оқламайди.

Дарсликда иккинчи ўнлик сонларининг ҳосил бўлиши ҳам тушунтирилмаган. Муаллифлар тўғридан тўғри 10 дан 20 гача бўлган сонларни бир қаторга ёзиб қўйиб, бу сонларга доир мисол ва масалалар ечишни таклиф қиладилар (84-б. № 3, 85-б. № 5, 7, 9 ва 10 ва қолган ҳамма бетларда). 87- бетдаги № 7 да 9+2 кўринишдаги мисол тузиш учун расм келтирилган. Бу материал эса 2-синфда ўрганилади.

Ўқувчилар 20 ичида қўшиш ва айиришга доир мисолларни ечиб бўлишгач, дарсликда «20 ичида амаллар» (91, 92-б.) мавзуси берилади. Бундай мисолларни ечиб бўлган болаларга бу мавзунинг нима кераги бор?

Дарсликнинг давомига ҳам умуман тушуниб бўлмайди. Болаларга 93- ва 94-бетларда яхлит ўнликларни қўшиш ва айириш таклиф қилинади, 95-бетда эса «100 гача бўлган сонлар» мавзуи келтирилади.

Нима, 93- ва 94-бетлардаги материал 100 гача бўлган сонларга тааллуқли эмасми? Яна, ҳеч қандай тушунтиришсиз, болаларга 20+3, 28-8, 30-0, 38-5, 35+4, 39+1 ва ҳ.к. кўринишдаги мисоллар (100 ичида) ечишга берилади. Болалар бундай мисолларни ечиб бўлишгач, «100 ичида санаш» мавзуси бошланади (105-б.).

Демак, болалар 100 ичида санашни бу сонлар устида барча амалларни бажаришни ўрганиб бўлганларидан сўнг бошлар эканлар-да!

Дарсликда хатолар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш маҳол. Энг ачинарлиси шуки, дарслик Ўзбекистондаги мактабларнинг I—IV синф ўқувчилари ўқийдиган дастурга мос келмайди. Муаллифлар дарсликка 32+27, 69-48, 79-77, 40-9, 38+42, 42+38, 64+36, 85-35, 100-9, 100-54 кўринишдаги мисолларни киритишни лозим топмаганлар. Бироқ, биринчи синф ўқувчилари бундай мисолларни еча олишлари керак, акс ҳолда, улар иккинчи синфда ўқий олмайдилар.

Биз, ўқитувчилар энди нима қилишимиз керак? Болаларни қачон, қайси дарслик бўйича бундай мисолларни ечишга ўргатамиз?

Ниҳоят, шуни айтиш керакки, дарсликда ундаги барча оғзаки машқларни бажаришга ёрдам берадиган асосий дидактик восита — илова (вкладиш), берилмаган.

Дарсликка қўшимча қилиб чиқарилган дафтар ҳам талабга жавоб бермайди. 1- синфда ёзма машқларни бажаришга дарснинг ярмидан кўп бўлмаган қисми ажратилишини муаллифлар ёдларидан чиқарган кўринади. Дафтарда берилган машқлар эса деярли бир дарсга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу дафтарда дарсликдаги ёзма ишлар учун берилган машқлар ҳам бажарилиши керак. Бироқ, дарслик билан дафтар бир-бирига мувофиқ эмас.

Биз фақат мисоллардаги айрим камчиликларни келтирдик, холос. Арифметик масалалар тўғрисида гапирмадик, уларни ўқиб, тушунишнинг ўзи қийин.

Биринчи синфда болаларга математика ўқитаётган ўқитувчилар энди нима қилишлари керак? Бунга сиз нима дейсиз?

Ш.ТОШМУРОДОВ, Н.ЗОКИРОВА, Ш.ЗАЙНУДДИНОВА, М.ЙЎЛДОШЕВА, Д.ИНОҒОМОВА, З.РИХСИЕВА

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўрта мактаблар учун дарсликлар ёзиш ва нашр этиш шунчаки ўткинчи жараён эмас. Бинобарин, Ватан ва миллат келажаги бўлган ёш авлоднинг камолот даражаси кўп жиҳатдан уларнинг қандай дарслик асосида таълим олишигига ҳам боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиғи билан нашр этилган I синф учун "Математика" дарслиги ҳақида муаллимлар қуюнчаклик билан билдирган мулоҳаза ва эътирозлар ўринли.

Куни кеча Президентимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш бўйича фармойиши эълон қилинди. Бу ўрта таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганидан далолатдир. Шундай бир пайтда дарсликларнинг ғиж-ғиж хатолар билан нашр этилиши айб эмасми?

Масъул муҳаррирлар, тақризчилар, дарслик нашр этилишидан олдин уни муҳокама қилган мутахассислар наҳотки шу хатоларни пайқамаган бўлсалар?

Қуюнчак ўқитувчиларнинг ушбу мактубидан Халқ таълими вазирлигидаги мутасаддилар тегишли хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз.

ТАРИХГА НОХОЛИС ЁНДАШУВ

ЁХУД ИЛМИЙ САЁЗЛИК ОҚИБАТИ

Ўзбекистон — "Авесто"нинг пайдо бўлиш даврига бориб тақаладиган нодир давлатчилик тарихига эга мамлакат. Уч минг йил давомида жаҳон тамаддунининг чорраҳасида жойлашган бу мўқаддас заминда бой маданият вужудга келди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг энг ёрқин хусусиятларидан бири бўлган этник маданиятлар муштараклиги шу асосда шакилланди. Ўзбекистонда туб ерли аҳоли билан бир қаторда, 100дан зиёд миллат вакиллари яшайди ва улар мамлакат аҳолиси умумий миқдорининг 20 фоиздан ортиғини ташкил этади. Кейинги ўн йил ичида бу миллатларнинг барчаси ҳақиқий миллий уйғониш йўлига кирди. Давлатнинг кўп миллатлилик хусусияти ва қадимдан давом этиб келаётган бағрикенглик анъанаси тўла маънода мамлакатнинг демократик тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга имкон яратмоқда. Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихининг фавқулодда мураккаб жараёнлари ва туб ўзига хосликлари, Ўзбекистоннинг кўп қиррали этник тузилишини ўрганиш — республика этнология фанининг муҳим вазифаларидан бири. Бу ўзига хос мавзуни талқин қилишда етарли даражада исботланмаган ва синчиклаб текширилмаган материалларга асосланиш коньюктура мақсадларидагина амалга оширилиши мумкин. Хусусан, тарихий-этнографик характердаги қомусий луғатлар, атласлар, маълумотномалар шаклидаги оммавий нашрлар ёшларни тарбиялаш ва дунёқарашининг тўғри шаклланиши нуқтаи назаридан ҳам катта рол ўйнайди. Чунки одатда академик нашрлар, монографиялар ва бошқа махсус адабиётлардан кўра уларга кўпроқ мурожаат қилинади. Шунинг учун улар ўз ишининг билимдонлари бўлган тажрибали мутахассислар томонидан пухта ўйланиб яратилиши ва аниқ илмий маълумотларга асосланиши керак.

Бундай талаблар, одатда, узоқ йиллик тайёргарликни тақозо этадиган этник атласлар олдига ҳам қўйилади. Чунки этнологларнинг кўп йиллик меҳнатлари маҳсули бўлмиш илмий маълумотларнинг бутун мажмуини синчиклаб танлаб олгандан сўнггина уни яратишга киришилади.

Ўзбекистонда бундай нашрни амалга ошириш аллақачон етилган муаммолар сирасига киради. Кейинги ўн йилликда Ўзбекистоннинг этник тарихини ўрганиш, унинг совет даврида тарихчилар учун ман этилган кўплаб жиҳатларини қайта идрок этиш борасида қатор ишларни амалга ошириш билан республика тарихчилари ва этнологлари бу муаммони ҳал қилишга интилмоқдалар. Ўз умрининг сўнгги дақиқаларида "Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни" номли янги китобига нуқта қўйган академик К.Ш.Шониёзовнинг бу борадаги хизматлари беқиёс.

Ушбу тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак, биз қисқа бир фурсатда тартиб берилган ва чиройли қилиб нашр этилган салмоқли ҳажмдаги "Ўзбекистоннинг этник атласи" (Истанбул, 2002)ни катта завқ-шавқ ва миннатдорчилик билан қабул қилишимиз керак эди. Бундай нашрнинг кутилмаганда пайдо бўлиши илмий жамоатчиликда катта қизиқиш туғдирди, чунки ҳамма эътироф этган этнологлар ва маданий марказлар вакилларидан бирортаси бундай китобнинг тайёрланаётганлиги тўғрисида тасаввурга ҳам эга бўлмаган.

Атлас 3 бўлимдан иборат: биринчи бўлим Ўзбекистонда яшайдиган кам сонли миллатларга бағишланиб, унда қарийб 70 этник гуруҳга тавсиф берилади; "Ўзбеклар" деб аталган иккинчи бўлимда ўзбекларнинг келиб чиқиши ва этник тарихи, этник ўзига хослиги таҳлили, айрим этнографик гуруҳлар, ўзбек тили, шунингдек, удумларимизнинг бири — кўпкарининг тавсифи келтирилади: "Умумлаштирувчи мақолалар" номли учинчи бўлимда республикадаги миллий-маданий марказлар ҳақида ҳикоя қилинади, Ўзбекистондаги этник қабристонлар тавсифланади.

Ўзларининг асосий этник бирликларидан ажралган ҳолда узоқ вақтдан буён Ўзбекистонда яшаётган этник гуруҳлар тўғрисида ҳажмига кўра турли характердаги салмоқли статистик материалларни тўплаш, табиийки, катта меҳнат эвазига амалга ошган. Лекин атлас — бу қомусий нашр, у ўз тузилиши, материалларнинг берилиши, мақолаларга қўйиладиган талабларга кўра муайян ўзига хосликларга эга. Унинг материали қайта ишланиши ва ягона шаклга келтирилиши керак. Этник атласда етишмаган этнографик маълумотлар ўрнини тўлдириш учун таржимаи ҳоллар ва хотира материаллар эмас, балки этник гуруҳларнинг аниқ тавсифи берилиши лозим. Маълумотнома характерига эга бўлганлиги туфайли унда илмий мунозарага йўл қўйилмаслиги жоиз. Атласга мурожаат қилар экан, ўқувчи ўзини қизиқтирган барча саволларга аниқ жавоб топиши керак.

Концептуал ёндашувнинг йўқлиги, материалларни жойлаштиришнинг умумий методикаси ишлаб чиқилмаганлиги нашрнинг аҳамиятини туширган. Халқлар ҳақида улар қадимдан ягона бирлик сифатида яшаб келаётган ҳудуд, яъни Ўрта Осиё, Кавказ, Поволжье, славян халқлари ва ҳоказо, уларнинг тарихий-этник илдизлари ёки туб ерли аҳоли таркибида улар салмоғининг ошиши бўйича маълумотларни гуруҳлаштириш зарур эди. Аммо муаллифлар материалларни бериш учун алифбо тартибини танлашганки, бу атлас учун зарур бўлганлигидан тизим яхлитлигини йўққа чиқарган. Афсуски, этник терминлар маъно жиҳатидан ишланмаган ва ягона шаклга келтирилмаган, "миллий ёки этник гуруҳлар" термини билан бир қаторда, ҳозир истеъмолдан чиққан "майда миллатлар" термини ҳам қўлланади. "Соф ўзбеклар" ёки "чала ўзбек этнослар" терминларини ишлатиш илмий жиҳатдан ўзини оқламайди (201-бет).

Этнологияда халқ ёки этник гуруҳларга этник тавсиф беришнинг ишлаб чиқилган тизими мавжуд. Бу — тарихий илдизлари, маданий-хўжалик анъаналари, жамоавий ва оилавий ҳаёти, моддий ва маънавий маданияти, удум ва маросимларининг ўзига хослигини кўрсатишдан иборат этнодемографик тавсиф. Афсуски, "Атлас"даги кўпгина мақолалар ушбу талабларга жавоб бермайди. Жумладан, Ўзбекистондаги рус миллатига мансуб кишилар ҳақидаги материал юртимизда яшаётган бир ярим миллионлик бу миллат хусусида тўлиқ тасаввур бермайди. Унда русларнинг республика илмий ва маданий ҳаётидаги ролигагина урғу берилган. Русларнинг республика саноати, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида лом-мим дейилмаган. Бундай руҳдаги маълумотлар адабиётларда ёритилган ва улар фақат руслargагина тааллуқли эмас (мисол тариқасида, О.И.Брусинанинг "Ўрта Осиёда славянлар" (Москва, 2001), Д.Ниёзовнинг "Ўртаосиёлик яҳудийлар ўтмишда ва бугун" (Тошкент, 1992) китобларини келтириб ўтишимиз мумкин). Адабиётлар кўламининг етарли эмаслиги, мутахассислар томонидан тўпланган ва матбуотда эълон қилинган дала этнографик ёзувлари маълумотларидан фойдаланилмаганлиги натижасида бир қатор мақолаларда кўчириб келтирилган этник гуруҳларнинг этник тавсифи ўрнига, уларнинг умумий тавсифини гавдалантиришга хизмат қилмайдиган ўзаро боғланмаган факт ва тафсилотлар, таржимаи ҳол билан боғлиқ материаллар, хотиралар тиқиштирилган. Этник атласга ўхшаш нашрларда бу ҳолга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Баъзида муаллифлар у ёки бу халқнинг машҳур намояндалари миллий мансублиги масаласига ўз билганларича ёндашадилар. Чунончи, академик К.Е.Житов "Руслар" деб аталган мақолада рус халқига нисбат берилса, "Мордвалар" мақоласида мордва миллатига мансуб деб таъкидланади. Аҳмад Заки Валидий Тўғон бир мақолада татар жадиди сифатида тилга олинса (46-бет), бошқасида бошқирд муаррихи, деб кўрсатилади (81-бет). Ўзбекистондаги кам сонли французлар жамоасига тавсиф берар экан, улардан бирининг "француз яҳудийси французларнинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ французидир" деган сўзини келтириб, Л.Жукованинг яҳудийлар ва французларни ўзаро тенглаштириш мумкин, деб ҳисоблаши ҳам мутлақо тушунарсиз (237-бет).

Тожиклар тўғрисидаги мақолада Ўзбекистонда улар сонининг ўсиш суръатлари келтирилади. Бу тожикларнинг Ўзбекистон аҳолисининг умумий миқдорига кўра иккинчи ўринда турадиган этнос эканлигидан гувоҳлик беради. Тарихий маълумотномада муаллифлар ҳеч қандай далил-исботсиз, бирор-бир манбага таянмай, тожиклар тўғрисидаги бутун тарихий адабиётни авра-астарини ағдариб танқид қиладилар. Ҳолбуки, ўзлари Ўзбекистондаги тожикларнинг этник тавсифини ҳам беролмай, унинг ўрнига В.В.Бартольднинг "Ислом қомуси" учун ёзган мақоласидан кўчирма келтириш билан кифояланадилар. Шундан кейин муаллифлар Ўзбекистондаги тожикларнинг ўзбеклар билан айнан бир хиллиги ҳақидаги фаразларини баён этадилар. Бу ерда тожикларнинг жойлашувини кўрсатишда ҳам хатога йўл қўйилган. Фарғона водийси тожикларининг асосий қисми қишлоқларда яшаши нотўғри, улар Чуст, Қувасой, Риштон, Косонсой шаҳарлари аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил қиладилар. Тожикларнинг Самарқанд қишлоқларида кўпчиликни ташкил этиши, шаҳарнинг ўзида эса уларнинг таъсири Бухородагига қараганда, деярли сезиларсиз эканлиги хусусидаги фикрлар ҳам ишонарли эмас. Бу далил шу ернинг ўзида муаллифлар томонидан келтирилган маълумотлар (191-бетдаги жадвал) асосида инкор қилинади — 2000 йилда Самарқанд вилоятида Ўзбекистондаги бутун тожикларнинг 19,9, Бухорода эса 4,4 фоизи яшаган.

Муаллифлар тожик тилини форс тили билан айнан бир хил деб қарашади ва у ҳақда "ҳозирда тожик тили деб юритилаётган форс тили" (195-бет) деб ёзишади. Ҳолбуки, эрон тилларининг ўзгаришига учраши оқибатида тожик ва форс икки алоҳида тилга айлангани барчага аён.

Тожикларнинг ўзбеклар билан кўп жиҳатдан ўхшашлиги эса, муаллифлар тўғри таъкидлаганларидек, республика "этник манзарасида ўзига хос ҳодиса". Уни тожикларнинг этномаданий жиҳатдан ўзини ўзи етарлича англамаслиги ва давлатнинг уларни ўзбеклаштиришга қаратилган сиёсати сифатида изоҳлаш мумкин эмас. Бу ўхшашликнинг илдизлари анча чуқур бўлиб, унинг асосида ўзбеклар ва тожикларнинг муштарак тарихи ётади. Ёнма-ён яшашлари ва ўзаро таъсир натижасида, муаллифлар урғу берганларидек, нафақат тожикларнинг туркийлашуви, айни пайтда, туркий халқларнинг эронийлашуви ҳам содир бўлган. Икки халқ маданияти ва турмуш тарзида кўплаб муштарак хусусиятлар шаклланган, қатор минтақаларнинг ягона этнотриал маданияти таркиб топган. Атлас муаллифлари фикр юритган "ўзбеклашув" ушбу табиий жараённинг давом этиши бўлиб, XX асрдаги миллатларнинг ўзига хослигини йўқотишдан иборат миллий сиёсат натижаси эмас. Мақола муаллифлари эса, "Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, лотин ёзувига ўтилиши таъсирида" тожикларнинг икки тиллилик ҳолати "маҳаллий тожиклар ва икки тилли аҳолининг ўзбеклашуви томонига ўзгармоқда", "ўзбеклар ва тожикларнинг тил жиҳатидан ўзаро узоқлашиш хавфи пайдо бўлмоқда" (201-бет), деган хулосага келадилар.

Маълумки, ўзбеклар ва тожикларнинг аждодлари кўп асрлар мобайнида Ўрта Осиё минтақасидаги турли-туман давлат ва сиёсий бирлашмалар таркибида биргаликда яшаб келганлар. Уларда сўғд, араб, турк, форс каби турли тил ва ёзувлар ҳукмронлик қилган. Совет даврида эса ёзув икки марта алмашди. Лекин бу халқларнинг ўзаро муносабатларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган, уларнинг бир-биридан узоқлашишига сабаб бўлмаган.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча халқларнинг этник равнақида сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Ҳар бир халқнинг асрлар давомида қарор топган анъана ва урф-одатлари асосида этномаданий ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди. Мамлакатдаги барча миллатлар ва этник гуруҳларни ўз ичига олган Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг тили ва этник анъаналарига юқори даражада эътибор кўрсатиш масалалари ҳозирги кунда давлат миқёсида ҳал қилинади. Айнан истиқлол йилларида тожик болалари учун очилган мактаблар сони кўпайди, 2000 йилда 312та тожик мактабида 128 минг ўқувчи таҳсил олди. Тожик газеталари сони ошди. "Овози тожик" республика газетасидан ташқари, икки вилоят (Бухоро, Сурхондарё) газетаси чоп этилмоқда. Тожик тилли аҳоли яшайдиган қатор туманлардаги газеталарда тожик тилида ҳам материаллар берилмоқда. Республика телевидениеси ва радиосида тожик тилидаги кўрсатув ва эшиттиришлар сони ошди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тожик тилининг амал қилиш доираси тобора кенгайиб бораётгани ва тожикларнинг миллий-маданий қадриятлари ривожланаётганидан далолат беради.

Қайд этиб ўтилган камчиликлар китоб муаллифларидан айримларининг касбий малакаси йўқлиги ва этник тарих бўйича етарли билимга эга эмаслигини кўрсатади. Алоҳида этник гуруҳлар тавсифининг тўлиқ эмаслиги, шунингдек, нотўғри ва ноаниклиги, атласнинг қисқа фурсатда яратилгани, мутахассислар муҳокамасидан ўтмагани, унинг муаллифлари асосан профессионал-этнологлар эмас, балки ёндош соҳалар вакиллари экани натижасидир.

Китобнинг кириш қисмида айтилгани каби, этносларни тавсифлашга амалий характердаги материалларнинг етишмаганлиги учун, эҳтимол, муаллифларни оқлаш мумкиндир. Лекин атласнинг асосий материали бўлган ўзбеклар этнографиясига бағишланган мақола учун катта миқдордаги илмий ва амалий адабиётлар мавжуд эди. Шунга қарамай, улардан фойдаланилмаган. Бунинг натижасида ушбу мақолада ўзбекларнинг ҳар томонлама мукаммал этник тавсифи (хўжалик анъаналари, оилавий, жамоавий ҳаёти, бой моддий ва маънавий маданияти ва бошқалар) берилмаган, ўзбек халқининг қадимий ранг-баранг удум ва анъаналаридан эса биргина кўпкари (улоқ) кўрсатиб ўтилган. Бу нарса ўзбеклар маънавияти ва умуман ўзбеклар ўртасидаги этник жараёнлар тўғрисида бирёқлама тасаввурлар пайдо бўлишига сабаб бўлади ва яна бир марта муаллифлар ўз соҳасининг билимдонлари эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекларга бағишланган ва "Археология узбекской идентичности" деб номланган бўлимдан моҳият эътибори билан ўзбекларнинг келиб чиқиши ва ўзига хослиги масалалари бўйича баҳс-мунозара учун фойдаланилган. Муаллиф (А.Илҳомов) бирор-бир далил-исботсиз ўзбекларнинг бутун тарихи ва этногенези совет даврида ҳам, ундан кейин ҳам жамиятшуносликка оид адабиётларда афсона қобиғига ўралган, деб таъкидлайди. Бугина эмас, кириш қисмида у келгусида ўрта Осиё минтақасидаги барча халқлар (тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқалар)га улар этногенезисининг "афсонавий қобиқдан холи" бўлган янги талқинини ваъда қиладики, бу мутлақо беъманиликдир. Бу ерда муаллиф А.Ю.Якубовский ва С.П.Толстов каби йирик олимларни ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини қадимийлаштириш концепциясини яратишда айблаб, ўзбек халқининг шаклланиши билан боғлиқ аллақачон рад этилган эски версияни тақдим этади. Барча тарихчиларга маълумки, А.Ю.Якубовский ўзбекларнинг келиб чиқишини фақатгина XVI асрда Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлашдан иборат назарияга қарши чиқар экан, ўзи яхши билган катта қўламдаги манбаларга асосланган эди. А.Илҳомов томонидан тақдим этилган концепция эса Ғарб антропологияси-даги машҳур конструктивизм назариясига асосланган бўлиб, у кўпгина этнологик жамиятлар, жумладан, рус ва ўзбек этнологлари томонидан ҳам эътироф этилмаган. Чунки конструктивизм этник бирлашмаларнинг объектив ҳақиқат сифатида мавжудлигини инкор қилади ҳамда этнос ва этногенезнинг тизимли назариясига таянмайди. Бу концепция муаллифга ўзбекларнинг келиб чиқиши муаммосини янгича ёритиш имконини бермаган. Бўлимни ёзишда аллақачон эскирган адабиётларга мурожаат қилиш билан чекланилган ва олимлар томонидан XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган тадқиқотлардаги кўплаб ҳужжатларга асосланган материаллардан фойдаланилмаган. Мазкур масала бўйича ўзбек олимлари қилган ишлар муаллиф назаридан четда қолган. Кейинги 50 йил давомида Ўзбекистон олимлари томонидан ўзбекларнинг келиб чиқишини ўрганиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди: К.Ш.Шониёзовнинг тадқиқотлари, жумладан, унинг "Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни" (Тошкент, 2001) номли фундаментал асари, шунингдек, Б.А.Аҳмедов, А.Хўжаев, Т.Хўжаев ва бошқаларнинг ишлари эътиборга олинмади. Уларда катта қўламдаги ҳар хил манбавий маълумотлар асосида бир неча минг йиллар давом этган, таркибига турли-туман этник компонентлар кирган ва XI асрда Қорахонийлар давлатида ниҳоясига етган ўзбек халқи шаклланишининг кўпқирали мураккаб жараёни очиб берилган. Дашти Қипчоқ қабилалар иттифоқи аввалдан шаклланган этник бирликка "ўзбек" этнонимини берди, холос.

А.Илҳомовнинг бу борадаги нуқтаи назари юзаки. Унинг фикрлари ўзбек халқининг шаклланиши Шайбонийлар даври ҳамда минтақага Дашти Қипчоқ ўзбеклари кириб келиши билан боғлиқ, деган нотўғри хулосага олиб боради. Унда минтақада минг йиллар давомида кечган ва ўзбек халқининг шаклланиши билан ниҳоясига етган этногенетик жараёнлар мутлақо эътиборга олинмайди. Бундан ташқари, у археология, тарих, этнография, эпиграфика, антропология ва бошқа фанлар бўйича турли-туман манбаларнинг катта қатламидан мутлақо бехабар. Шу боис ўзбек этносининг этник компонентлари тавсифида ҳаммага маълум тушунчалар борасида ҳам тез-тез хатоларга йўл қўяди. Жумладан, сартлар "турклардан келиб чиққан туркий тилли ўтроқ, асосан шаҳар аҳолисидан" ташкил топган (270-бет) деб таъкидланади. Эҳтимол, **туркий халқлар**дандир? Муаллиф фикрларини давом эттириб, ёзади: "сартлар ва бошқа қабилаларнинг авлодлари ҳозирги кунда ўз ота-боболарининг қайси этник гуруҳ ва қабилага мансуб бўлганлигини унутиб юборишган" (301-бет). Маълумки, сартлар қабилалардан иборат эмас эди ва қабилачаларга бўлиниб ҳам кетмаган — бу минтақанинг қадимий ўтроқ ҳунарманд — деҳқон аҳолиси.

Бу бўлимда келтирилган маълумотлардан ўзбек халқининг этногенези асосан Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбеклар, шунингдек, уларга келиб қўшилган "сарт" деб аталадиган маҳаллий туркий қабила ва уруғлар (чиғатойлар, ўғузлар ва бошқалар)нинг этник тарихи билан боғлиқ, деган юзаки хулоса келиб чиқади.

Тадқиқотчиларнинг алоҳида тоифаси орасида ҳақиқатан ҳам шундай бир нуқтаи назар мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади: улар ўзларининг бирёқлама ва ғайриилмий қарашларига таяниб, Ўрта Осиёнинг бошқа туркий тилли халқлари каби ўзбекларни ҳам "минтақада ўз маданий анъаналарига эга бўлмаган ёввойи кўчманчилар, чорвадорлар, келгиндилар ва босқинчилар" сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар (қаранг: Хмельницкий С. Между саманидами и монголами (Архитектура Средней Азии XI — начала XIII вв.). Ч.1. Берлин-Рига, 1996. С.11; 14). Ҳолбуки, кўчманчилик маданияти ҳам инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса эканлиги барчага маълум.

Туркий тилли халқларнинг фақат кўчиб юриб яшаганлари ва IX-X асрлардангина ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлаганлари тўғрисидаги тасаввурларнинг хато эканлиги илмий адабиётларда бир неча марта кўрсатиб берилган. Жумладан, тадқиқотларда кенг кўламдаги манбаларга таянган ҳолда, илк туркий халқлар Марказий Осиёда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаёқ яшаганлиги кўрсатиб берилган. Улар Ўрта Осиёда яшаган дастлабки халқлардан ҳисобланадилар ва минтақа туб ерли аҳолисининг бир қисмини ташкил қилганлар, туркий халқларнинг бир қисми аввалбошдан ўтроқ ҳаёт тарзига эга бўлганлар ва Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳар цивилизациясини яратишда бевосита иштирок этганлар. Ҳозирги ўзбек халқи айнан шуларнинг авлодлари ҳисобланади. Қипчоқлар эса унга қўшилган энг сўнгги компонентни ташкил этган.

Манбалардан олинган терминларга тааллуқли айрим мисолларни кўриб ўтайлик. Ўрта Осиёнинг туркий тилли қабила ва халқлари узоқ ўтмишда нафақат чорвачилик, балки деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлиги тўғрисида археологик маълумотлар билан тасдиқланган кўплаб хитой, араб ва форс тилидаги манбалар, шунингдек, қишлоқ хўжалик ва деҳқончилик маҳсулотлари учун қўлланиладиган туркий сўзларга бой атамалар мажмуининг мавжудлиги ҳам гувоҳлик беради. **Пахта, ғўза, чигит, чаноқ, буғдой, арпа, тариқ, бошоқ, қовоқ, қовун** каби ҳозирги туркий тилларда қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари билан боғлиқ кўпдан-кўп атамалар қадимги туркий сўзлар асосида келиб чиққан ва бу далиллар мазкур сўзларнинг бошқа тиллардан ўзлаштирилмагани, аксинча, туркий тилларда сўзлашувчилар томонидан муомалага киритилганлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, туркий халқларнинг ўзи бу экинларни етиштириш билан шуғулланганги ва натижада уларга ўзлари она тилларида ном берганлигига ишора қилади. **Дала, экин, кўчат** сўзлари; деҳқончиликда ишлатиладиган меҳнат қуроллари билан боғлиқ **омоч, кетмон, ўроқ;** шунингдек, ерларни суғоришга алоқадор **ариқ, тўғон, дамба, эгат** каби атамалар ва ҳатто **суғормоқ, экин экмоқ, ер чопмоқ, ўтоқ қилмоқ** ва бошқа феъллар ҳам қадимги туркий сўзлар ҳисобланади.

VI аср Ўрта Осиё туркий халқлари тарихининг илк босқичларидан бири — уларнинг жужон хоқонлари учун Олтой тоғларидан темир рудалари қазиб олган кон-руда саноати билан боғлиқ. Илк ўрта асрлар даврида Амударёнинг юқори оқимидаги кўплаб темир, мис, олтин ва кумуш конларининг фаолият кўрсатиши ҳам турклар туфайлидир. Туркий тиллардаги **темир, олтин, кумуш, қалай, пўлат, чўян, қўрғошин** каби кўплаб металлар номлари ҳам қадимги туркий сўзлар асосида шаклланган. Бинобарин, туркий халқлар конруда ва металлургия саноатида ўз анъаналарига эга бўлганлар ва ўз тилларида бу соҳадаги атамалар мажмуини шакллантирганлар.

Археологик маълумотлар қадимги туркий халқларда, шунингдек, ўтроқ аҳоли учун характерли бўлган бошқа касб-ҳунарлар, чунончи, чархдан фойдаланишга асосланган махсус кулолчилик саноати ҳам ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, зикр этилган маълумотлар Ўрта Осиёнинг туркий тилли қабила ва халқлари кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик билан машғул бўлибгина қолмай, уларнинг бир қисми узоқ ўтмишдаёқ ўтроқ ҳаёт кечиргани ва ўтроқ аҳоли учун хос бўлган деҳқончилик, кон-руда ишлари, ҳунармандчилик саноатининг турли шаклари билан шуғулланганликлари далилидир. Бинобарин, Ўрта Осиёнинг шаҳарлар вужудга келгунга қадар бўлган қадимий цивилизациясини яратишда қадимги туркий халқлар ҳам фаол иштирок этган. Кўп сонли манбалар ҳамда топонимик — лингвистик ва тарихий-филологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган янги маълумотлар буни тасдиқлайди.

Араб географи Қудама ибн Жаъфар келтирган ривоятга кўра, Александр Македонский давридаёқ туркий аҳоли "дашт" ва "шаҳар" туркий халқларига бўлинган ва уларнинг муайян қисми ўша пайтда, яъни эрамиздан аввалги IV асрда Марказий Осиё шаҳарларида маданий турмуш кечирган. Муҳаммад Наршахийнинг Бухоро воҳаси **туркий халқлар** келиб ўрнашган илк манзилгоҳ эканлиги, Бухоро шаҳрига эса турк хоқони Қорачурин туркнинг Шери Кишвар исмли ўғли асос солганлиги ҳусусидаги маълумотлари ҳам эътиборга лойиқ. Бошқа манбаларда эса, Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Ромитан, Пойканд ва Марв каби шаҳарлари **туркий халқлар** томонидан бунёд этилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Маҳмуд Кошғарийнинг "Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларига **туркий халқлар** томонидан асос солинган ва улар **туркий халқлар** қўлида бўлган", деб хабар бериши алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда туркий халқларнинг ўз шаҳарлари бўлганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Ўрта Осиёга VII асрнинг биринчи ярмида қилган ўзининг сафари вақтида бу шаҳарлардан айримларига шахсан ташриф буюрган хитой сайёҳи Сюань Цзань туркий шаҳарлар тўғрисида эслатиб ўтади. Маҳмуд Кошғарий фикрича, ўғузларни шаҳарларда яшагани, бирор ёққа кўчмагани ва ҳарбий юришларда иштирок этмагани туфайли **ётуқлар** деб атаганлар. Бу туркий **ёт** сўзидан олингани маълум. IX-XII асрлардаги арабий ва форсийзабон географларнинг асарларида туркий халқларнинг шаҳарлари хусусида нисбатан муфассал маълумотлар келтирилади. Уларда ёзилишича, бундай шаҳарлар "жуда кўп бўлиб, Шимол ва Шарққа қараб бирининг кетидан иккинчиси чўзилиб кетган". Туркий халқлар шаҳарларининг умумий рўйхатини ичил текшириш улардан баъзилари сўғдча номлангани (масалан, Болосоғун, Чинаникат, Жамилкат, Навкат, Сиёб ва бошқалар), бинобарин, уларга сўғдий аҳоли томонидан асос солинганлигидан гувоҳлик беради. Лекин Кўчқорбоши, Отбоши, Атлах, Беклилиг, Барсхон, Атлалик, Тузунбулоқ, Намудлик, Ўрдубалиқ, Бешбалиқ, Қулон, Мирки, Қарқархон, Йахсунйалу, Ўрдукент, Ёркент, Ахма каби туркий халқларнинг жуда кўплаб шаҳарлари соф туркий номга эга бўлган ва бу, ўз навбатида, уларнинг туркий халқлар томонидан бунёд этилганлигини тасдиқлайди.

Бу манбаларда, аввало, ўтроқ туркий аҳоли яшаган шаҳарлар хусусида сўз боради. Турк хоқонлиги даврида (VI-VII асрлар) Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг шиддатли даражада ривожланиши кўчманчиларнинг оммавий равишда ўтроқлашуви ва катта миқдордаги ўтроқ туркий халқларнинг янги ерларга кўчиб келиши билан боғлиқ. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мўғулистонда шаҳарлар кўпроқ ҳашаматли тош иншоотлар асосида қурилган. VIII-X асрлар шаҳарларнинг янада кўпроқ ривожланиши билан ажралиб туради. X-XII асрларда ҳам бу ҳол давом этди, ўтроқ деҳқончилик маданияти гуллаб-яшнади. X-XII асрлар шаҳар қурилиши ва маданиятининг мисли кўрилмаган даражадаги тараққиёти билан характерланади ва ҳақли равишда "меъморчиликдаги мусулмон Уйғониши даври" деб юритилади.

Шундай қилиб, ёзма манбалар меъморчилик, санъат ва археология тарихи маълумотлари билан биргаликда қадимги ва ўрта асрлардаги туркий халқлар ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб туташадиган, ўз даражасига кўра Марказий Осиёдаги бошқа халқлар маданиятидан қолишмайдиган, уларга ўз таъсирини ўтказиб, натижада турли маданий анъаналар билан омухталашиб кетган бой шаҳарсозлик маданиятига эга бўлганликларидан гувоҳлик беради. Халқнинг бундан сўнгги тараққиёти шу негиз асосида кечди, унга кейинчалик нафақат туркий тилли, шунингдек, эронийзабон ва бошқа этник компонентлар ҳам келиб қўшилдилар. Туркий тилнинг қарлуқ лаҳжаси чиғатой-туркий тили деб аталган тилнинг асосини ташкил этди. Навоий ва Бобур ҳам, ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа намояндалари ҳам шу тилда ижод қилдилар.

Шундай қилиб, ўзбек халқи Ўрта Осиёдаги қадимги туб ерли ўтроқ-деҳқон ва шаҳарлик туркий тилли қатламнинг тарихий ва этник вориси ҳисобланади ва этномаданий жиҳатдан, биринчи навбатда, туркий дунёнинг умумий тарихида муҳим мавқега эга. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўрганиш ҳамда унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини холис баҳолаш учун келгусида анча кенг доирадаги манбаларни жалб қилган ҳолда изчил тадқиқотлар олиб бориш талаб қилинади. Бунинг учун қачонлардир тарих фанида кенг илдиз отган туркий халқларнинг маданият тарихидаги роли тўғрисидаги хато тасаввурлар ва ёлғон қоliплардан воз кечиш шарт қилиб қўйилиши керак.

Афсуски, атлас муаллифлари бунга муваффақ бўлолмаганлар. Муаллифлар ва тақризчилар таркибини танлашдаги чекланганлик шунга олиб келганки, кўплаб камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилган. Талабалар ва ўқувчилар атласдан фойдаланар экан, уларда этнология ва этногенезнинг кўплаб масалалари, жумладан ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисида мутлақо нотўғри тасаввурлар пайдо бўлиши ниҳоятда ачинарли.

Ушбу мавзу бўйича янги тадқиқотлар мавжуд бўлгани ҳолда, афсуски, "Ўзбекистоннинг этник атласи" каби жиддий нашрда эски, ўз умрини яшаб бўлган ёндашувлар сақланиб қолган. Бунинг бош сабаби, мавзу (дарвоқе, бу ҳол ҳозирги амалиётда тез-тез учраб туради) мутахассислар томонидан эмас, балки бу соҳадан узоқ бўлган кишилар томонидан ёзилган. Биз этногенез ва этник тарих каби муҳим масалалар бу борада мавжуд бўлган барча маълумотлар мажмуини тадқиқ этиш асосида ёзилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса кенг қўламдаги манбалар ва илмий ишларни чуқур ўрганиш тақозо этилади. Шу боис мазкур атласни тўлақонли илмий тадқиқот, деб бўлмайди.

Илмий холислик — ҳар қандай тадқиқот учун асосий шарт. Бундай монографияни ким яратишидан қатъи назар, илмий одоб ва оқилона ёндашув кенг доирадаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларини олишни тақозо қилади. Бу, одатда, манфаатпарастлик ёки сиёсий фикр-мулоҳазалар жиҳатидан эмас, балки илмий ишдаги ҳаммага маълум ҳаққонийлик мезонига риоя этиш учун қилинади. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади, дейдилар. Олимлар ва элчихоналар вакиллари билдираётган фикрларга қарамай, китоб нашридан аввал ҳам, кейин ҳам унинг муҳокамаси ўтказилмаганлигини назарда тутсак, "Ўзбекистоннинг этник атласи" муаллифлари илмий холисликни мақсад қилишмаган кўринади. Миллий муносабатларга қайси бири кўпроқ таъсир қилади: тумтароқ китобнинг нашр этилишими ёки шу муносабат билан матбуотда танқидий фикрлар билдирилишими? Биз жамиятда барқарорлик, илмда тараққиёт бўлишини хоҳлаганимиз учун ҳам баҳсга киришдик.

Дилором АЛИМОВА,
Зоя ОРИФХОНОВА,
Шамсиддин КАМОЛИДДИН,
тарих фанлари докторлари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК АТЛАСИ БУНДАЙ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

БИР АСАР ТАРИХИ

СИНДОРОВ ҚАНДАЙ РАИС БЎЛДИ?

Ажойиб инсон, истеъдодли ижодкор Ўлмас Умарбеков билан каминани узоқ йиллар дўстлик ришталари боғлаганини эслаб, ифтихор туйғуларига тўлиб юраман.

Саксонинчи йиллар Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри раҳбари лавозимида ишлаётган кезларим, Хусниддин Шариповнинг Мирзачўлни ўзлаштириш мавзуидаги пиесасининг жамоатчилик кўриги бўладиган бўлди. Маданият ишлари вазирлигига келиб, вазирнинг биринчи ўринбосари Ўлмас Умарбеков ва ўша вақтдаги санъат бошқармаси бошлиғи Фрунзе Жўраевни кўрикка олиб кетадиган бўлдим.

Учаламиз машинада Гулистон шаҳри томон йўлга чиқдик. Ўлмас ака машина ойнасидан боғу роғларга завқ ила боқар, ахён-ахёнда "Юртимиз жаннат-а, жаннат", деб таъкидлар, "Қани энди шу жаннати маъвони оғир заҳматлар эвазига я

... ПОСТМОДЕРНИЗМНИ НИМА ДЕЙМИЗ

ёхуд тақлидми, таъсирланиш?

Шукур Холмирзаевнинг матбуотда эълон қилинган ҳар бир суҳбати шов-шувга айланиб кетади. Бунинг боиси устоз адиб самимий гапиради... Манманлик, кибр-ҳаво бўлмайди гапларида. Фикр-мулоҳазаларини ўқиб адабиётга меҳринг товланади. Адабиёт ичида яшаб юрганингдан шодласан киши...

Табиийки, Шукур ака қайсидир ёзувчини хуш кўрмаслиги ҳам мумкин. Қайсидир йўналишларни тан олмаслиги мумкин. Гап бунда эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у барибир самимийлигини сақлаб қолаверади. Агарда кимнидир самимий йўсинда танқид қилсангиз, хато-камчиликларини далиллар асосида кўрсатиб берсангиз бу меҳрибончилик алфозида қабул қилинади. Аксинча бўлса-чи? Унда ранжийсан. Хаёлот дунёсидан ранг олиб турган Сўз санъатига ғараз аралашса ёмон-да ахир!

"ЎзАС"нинг 13 феврал сонида "Толстойнинг нияти мени мафтун этган" сарлавҳали суҳбат эълон қилинди. Суҳбат ниҳоясида Шукур ака жумладан, шундай дейди: "... Озод ака Шарафиддинов батамом публицист бўлиб олдилар. Домла Қўшжонов анчайин ҳаваскор адибнинг ҳам бошини силаяптилар, холос. Умарали ака шоирона эҳтиросларга бериладиган бўп қолдилар, Норбой ака, умуман, сафдан чиқиб кетди. Иброҳим Ғафуров бошқа йўлда ижод қилаяпти. Қозоқбой Йўлдошев зўр-у, баъзан унинг шахсий "мен"и "шунос"лигини босиб кетади..." Бу гапларга унчалик эътироз билдириб бўлмайди. Лекин нафсиламрини айтганда, Озод аканинг кўпчиликнинг эсидан чиқмаган салмоқли мақолалари бор. Норбой ака кейинги вақтларда иккита китоб нашр қилдирди. Қозоқбой Йўлдошев ноанъанавий йўналишлар бобида асосли фикрлар билдирмоқда. Лекин булар барибир оз. Адабий доира бу файласуф-танқидчилардан кўпроқ нарса кутади. Мен ўша рўйхатга Раҳмон Қўчқор, Мусурмон Номоз, Муртазо Қаршибой, Раҳимжон Раҳмат каби нисбатан ёшроқ адабиётшунослар исм-шарифини ҳам қўшиб қўйган бўлардим. Уларнинг жимлиги адабий жараёнга наф келтирмайди, албатта.

Кейинги йилларда Баҳодир Карим "Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд", "Қодирий қадри", Улуғбек Ҳамдамов "Бадиий тафаккур тадрижи", хорижлик шаркшунос профессор Ингеборг Балдауф "ХХ аср ўзбек адабиётига чизгилар" (рисолага Озод Шарафиддинов сўзбоши ёзган) номли китоблар эълон қилдиришди. Бу китобларнинг муштарак жиҳати шундаки, иқтидорли олимлар ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти илғор йўналишларига қиёсан текширишади. Баҳодир Карим жадид даври адабиётидаги баҳс-мунозараларга диққат қилса, Улуғбек Ҳамдамов "учинчи тўлқин" назариясига асосан Шарқу Ғарб ўзаро яқинлашаётганлигини таъкидлайди. Ингеборгхоним эса Абдурауф Фитрат қаламига мансуб "Шайтоннинг Тангрига исёни" номли драмасини экзистенциализм намунаси деб атайди. "Хулласи калом, "Шайтоннинг Тангрига исёни" Абдурауф Фитрат ижодида, эҳтимол, умуман ўзбек адабиётига ягона чўққи сифатида ҳозиргача танҳо яшаб келаётир" **дейди хоним.**

Хўш, бу қабилдаги таъкидлар нимани билдиради? Торгина қобиғимиздан чиқиб жаҳон бадиий тафаккури кенгликлари сари интилаётганимизними? Ёхуд умумий муштаракликдан бошқа йўл йўқлигиними?

Баҳодир Карим рисоласида Вадуд Маҳмуднинг баъзи мақолаларидан иқтибослар келтиради. Жумладан, жадид мунаққидининг қуйидаги мулоҳазаларига диққат қилинг: "... Навоий асрида чиғатой адабиёти кучли бўлғонидан Туркия адабиёти бизнинг адабиётдан кўб мутаассир бўлғон эди. Бу кун эса ғарб турк адабиёти бизникидан кучли маданий ва адабий ҳаётга молик бўлғонидан бизникилар уларга эргашмакдалар". **Бу мантиқан тўғри гап эди. Боиси Абдурауф Фитратнинг Туркияда ўқиб келгани, Чўлпонни турк шоирларидан (Чўлпон туркчани мукаммал билган), хусусан, Тавфиқ Фикратдан таъсирланганги ("ЎзАС"да чиққан бир мақоласида Ингеборг Балдауф бу таъсирланишни сатрма-сатр исботлаб берган эди) ҳам бор гап.**

Шулардан хулоса ясаган ҳолда Улуғбек Ҳамдамовнинг "... цивилизациянинг авзойи шундайки, бора-бора дунё яхлит бир экопсихологик иқлимнинг қучоғида қолиши мумкин. Бир хил муҳит эса, одатда илгари турли-туман бўлган дунёқарашларни бир-бирига пайвандлайди, синтезлаштиради" **("Бадиий тафаккур тадрижи" китоби, 156 бет) қабилидаги фикр мулоҳазаларига сидқидилдан қўшиламиз. Дарҳақиқат, дунё умумийликка интилаётган экан, айтайлик, ўзбек ёзувчи-шоирларининг Лотин Америкаси насридан, француз модернизмидан, экзистенциализмдан таъсирланиши тақлид ўрнида кўриладиган салбий ҳодиса эмас.**

Ҳазрат Навоий яшаган замонларда Интернет бўлмаган. Бўлганида эди Ғарб шоирлари у кашф этган янгича усуллардан таъсирланиб, шеъриятини янада бойитган бўлур эдилар. Лекин шунга қарамасдан, Шарқ ва Ғарб шоирлари усулларида айрим муштаракликларни илғаса бўлади. Биз немис тили мутахассиси Робияхон Абдуллаева билан биргаликда айнан Навоий замонида яшаган немис шоирлари шеърларини ўқиб чиққанимизда ажиб ўхшашликни кузатдик. Улар ҳам ғазалмонанд кўп бўғинли (15-16 бўғинли) шеърлар битган эканлар. Шеърлар мавзуи асосан паривашнинг кўм-кўк кўзлари, жозибали кулгилари, қайноқ бўсалар ҳақида.

Ўз замонида улуғ Гёте ҳам Шарқ шеъриятидан мутаассир бўлиб, "Ғарбу Шарқ девони"ни яратган. Сергей Есенин "Форс тароналари"ни ёзган. Булар — ҳали билганларимиз. Билмаганларимиз қанча? Дейлик, немис назмида Шарқ шеъриятига мувоффақиятсиз чиққан таклидлар ҳам бор экан.

Ҳозирги замон Ғарб шеъриятида ўнлаб оқимларни кузатасиз. Символизм, футуризм, модернизм, постмодернизм... ҳатто, ҳазил тариқасидаги визуал шеъриятгача. Ҳар оқимнинг ўз танқидчиси, ўз ўқувчилари борки, бу шакл-шамойил ҳеч кимнинг ғашига тегмайди. Ахир, ҳамма одамнинг бадиий дидини бир хиллаштириб бўлмайди-ку? Қайси оқимни хуш кўрса, ўшани ўқийверади. Бош ўзиники, кўз ўзиники. Пул ҳам ўзиники.

Бу гапларни эслатишимизга, ёзишимизга шапалокдеккина "акс-садо" сабабчи бўлди...

Холмирзаевнинг суҳбати босилган "ЎзАС"нинг ўша сонида профессор Баҳодир Саримсоқовнинг "Санамай саккиз деманг!" сарлавҳали "акс-садо"сига ўрин берилган. Домла Шермурод Субҳоннинг "Қойилмақом шеър" ёхуд шеъриятда очилмаган кўрик" номли мақоласига эътироз билдирибди. Ш.Субҳон "ЎзАС"нинг ўтган йилги 19 сентябр сонида босилган мазкур мақоласида Йўлдош Солижонов қаламига мансуб "Шоир кўп, аммо шеър-чи?" сарлавҳали чиқишни асосли равишда танқид қилган эди. Хулласи калом, Б.Саримсоқов қарийб беш ой жим юриб, қуйидагиларни битади: "Ҳозир айрим адабиётшунос ва танқидчилар "модерн шеърият" атамасини қўллаб, шеърхонларга кундек равшан поэтик мазмунни, лирик кечинма моҳиятини сирлилаштиришга, шу орқали кўпгина шоирлар ижодида умумшеърият майдонида арзимас фикр-туйғуларни бетакрорлик (оригиналлик) ниқоби билан хаспўшлашга интилмоқдалар".

Таажжуб! Қайси адабиётшунослар "хаспўшлаш" амалига бош қўшаётган эканлар? Хўш, бундан кўзланган мақсад нима экан? Ўзбек модернчи шоирларининг китобларини хорижда ҳам ўқишади. Ғарб тилларига таржима қилишади. Хориж олимлари кўзини қай тахлитда бекитиб бўлади ахир?

Олим киши далиллар, исботлар воситасида иш кўргани маъқул. Одатда баҳсга киришилганида олдинги чиқишлардан иқтибос олинади. Дейлик, ўзбек модерн шеърияти мавзуида "ЎзАС"нинг ўзида (хусусан, Озод Шарафиддиновнинг "Модерн жўн ҳодиса... эмас" суҳбати) "Жаҳон адабиёти" журналида (хусусан Умарали Норматов ва Улуғбек Ҳамдам мулоҳоти), шунингдек, "Ёшлик", "Гулистон" журналларида, бир қанча газеталарда таҳлилий мақолалар ёритилган. Баҳодир Саримсоқов ўша мақолаларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларга асосли тарзда эътироз билдирмайди. Бирорта олим (даражаси, ёшидан қатъи назар) тадқиқотидан иқтибос келтирмаган. Ҳолбуки, модерн мавзуида номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган чоғда ўша залларда муҳтарам домла ҳам ўтирган. Ўз соҳасининг устаси сифатида адабий доираларда тан олинган Б.Саримсоқов, ажабки, Йўлдош Солижоновнинг чиқишини қарийб такрорлабди. Исбот тариқасида мақола давомидан иқтибос келтирамиз: "Энг аввало, "модерн" терминини улар қайси маънода қўллашяпти? Агар "модерн" сўзи соф луғавий маънода қўлланилаётган бўлса, унда бу сўз ҳозирги, замонавий, янги шеърият маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам "модерн" термини шу маънода истифода этилаётган бўлса, у ҳолда тилимизга унча ёпишмай турган "модерн" ўрнига янги шеърият, ҳозирги шеърият, деб юритган маъқул эмасми? Ёки "модерн" терминини қўллаш поэтик моҳияти пуч шеърларни етук шеър даражасига кўтарадими?"

Тўғри. "Модерн"нинг луғавий маъноси "янги", "замонавий" демак. Улуғбек Ҳамдамов таъкидлаганидек: "... ҳар бир даврнинг аввалгиларга ўхшамайдиган ўз кайфиятини акс эттирган асарики бор, замонавийдир, модерндир". Бу бир тарафдан. Иккинчиси, асосий жиҳат шуки, модернизм қонун-қоидалари ўн тўққизинчи асрнинг охирги чорагида ўша даврда жаҳон санъати, адабиётининг маркази саналган Парижда ишлаб чиқилган. Символизм — модернизмнинг илк куртаги эди. Бинобарин, "модернизм" истилоҳида, шартли равишда айтадиган бўлсак, фаранг олимлари-ю адибларининг муаллифлик ҳуқуқлари бор. Айтайлик, спортда ўзбек курашини руслар ҳам "кураш" дейишади. Шу усулда бел олишадиган полвонларини "курашист" дейдилар. Африками, Австралия... ер юзининг исталган нуқтасида шу тариқа айтишади ва биз бундан фахрланиб юрамиз. Тилимизга "таэквандо", "каратэ", "у-шу", "эстрада", "танка", "хокку" атамалари ёпишаркан-у, "модерн" ёпишмас эканми?!

Хўп, майли. "Модернизм"ни "янги адабиёт" дейлик. Унда постмодернизмни нима деймиз? "Янги адабиёт ўрнига келган мутлақо ўзгача адабиёт" деймизми? Чўзилиб кетмайдими? Шеъриятимизда постмодернизм ҳам куртак ёзмоқда. Жумладан, Лариса Дабижанинг "Ёшлик" журналида босилган "Туш йўлаклари" шеъри постмодернизм йўналишида ёзилган. Тассуфки, постмодернизм истилоҳи ҳақида ўзбек тилидаги маълумотлар оз. Ўша "санамай саккиз деювчи" Шермурод Субҳон айни вақтда "Турк постмодернизмида миллий ўзига хослик" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимояга тахт қилиб қўйибди. Унинг айтишига қараганда, Туркияда постмодернизмга оид ўнлаб назарий рисолалар чоп қилинган экан. Шунингдек, Интернет сайтларида ҳам постмодернизмга тааллуқли маълумотлар кўзга чалинади.

Бизнингча, "изм"ларга ифодани атайлаб мураккаблаштириш воситаси йўсинида қарамаслик жоиз. Тасвирий санъатда ҳам ўнлаб "изм"лар бор. Қўшиқчилик санъатига эстрада кириб келди. Бу кимлардир ўйлаб топган "шаклбозлик" эмас, балки замона зайли.

Мумтоз шеъриятни биз ҳам ўқиймиз. Биз ҳам Алишер Навоий каби мутафаккир шоирлар даҳосига таъзим бажо келтирамиз. Лекин шу билан бир қаторда Ғарб модерн шеъриятига қизиқамиз. Уларни ҳам ўқиймиз. Агарда модернизм жўн ҳодиса бўлганида эди, ўта анъанавий саналган япон шеъриятида мустаҳкам ўрнашмаган бўлур эди. Хуршид Даврон таржимасида босилган "Денгиз ялпоқлик" тўпламига бир дафъа кўз ташланг. Япон модернчилари ижодига фаранг новаторлари қай тариқа таъсир ўтказганини дарров илғайсиз. Араб, форс шоирлари ижоди билан танишинг. Дарвоқе, араб модернчи шоири Муин Бсисунинг "Ташриф қоғози" тўплами ўзбекчага ўгирилган. "Аср овози" тўпламида қанчадан-қанча турли халқлар модернчилари ижодига кенг ўрин берилган. Хулоса қилиб айтганда, модернизм кириб бормаган адабий гўшанинг ўзи йўқ. Ўта анъанавий санаб юрганимиз қорақалпоқ шеъриятига ҳам Соғинбой Иброҳимов модернизм оқимини олиб кирди. Очиқ кўриниб турган воқеликдан кўз юмишимиз керакми энди?

Профессор Баҳодир Саримсоқов мақоласининг иккинчи қисми — тиниш белгиларига бағишланган бўлагида шундай деб ёзади: "... Мумтоз адабиётдаги тиниш белгилари, уларнинг шаклий кўринишлари ва қўлланиш принциплари бироз бошқачароқ. Бу ҳақда марҳум тилшунос Ҳусан Ғозиевнинг "Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти" (Тошкент, "Фан", 1979) номли китобида кенг маълумот берилган..." Мана, далиллар келтирилса бўларкан-ку, ахир?! Лекин Ш.Субҳон мақола муаллифи таъкидлаган қирқ саккизта тиниш белгиларини назарда тутмаган. У эски имлода кирилл алифбосидаги каби нуқтавергуллар йўқ эканлигига диққат қилган, холос. Шуларни дастак қилиб Шермурод Субҳонга "Санамай саккиз деманг!" дейишнинг ўзи, бизнингча, ноўрин.

Бу таъна-дашномларнинг барча-барчаси бизда Ғарбшунослик институтлари йўқлигига бориб тақалади. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида ўнлаб Шарқшунослик институтлари бор. Худди шунингдек, модернизм, постмодернизм адабий истилоҳларини асл манбалар воситасида астойдил ўрганиш, шу оқимларда ёзаётган шоиру ёзувчилар ижодидан сара намуналарни ўқув қўлланмаларига киритишни замоннинг ўзи тақозо қилиб турибди. Зотан, ХХI аср бадиий тафаккурдаги мислсиз ўзгаришлар даври. Ислоҳотлар даври. Биз ўз асримизга муносиб бўлмоғимиз даркор.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

РАНГДА НАЖОТ КЎРДИНГ...



Биз Рўзи Чориевдан айрилдик. Ўзбек санъати ҳақиқатан ҳам оғир жудоликка учради. Мен "ҳақиқатан ҳам" иборасини бежиз ёзмадим. Рўзи ака чиндан улуғ санъаткор ва даҳо инсон эди.

Ўзбекда ажойиб бир удум бор. Дафн маросимидан кейин "Фалончи қандай одам эди?" деб сўрашади. Ўйлаб қарасанг, марҳумлар учун ҳам, тириклар учун ҳам даҳшатли савол. Баъзан қаловланиб қоласан. Аммо Рўзи ака ҳақида халойиқ "яхши одам" деб гуриллаб айтганда, мен бу гапда заррача ҳам ёлғон йўқлигини юрак-юрагимдан ҳис қилдим. Ҳатто бу ибора Рўзи ака учун торлик қилишини, у зот ҳар қандай улуғ сифатдан ҳам улуғроқ эканлигини, кўзларимда ёшим айланаркан, бутун вужудим билан туйиб турдим. Бошқалар ҳам буни сезди. Кимдир беихтиёр "Э, Рўзи акадай одам бор эдими!" деб юборди.

Рўзи акадай одам бор эдими!

Эшигиям, юрагиям ёруғ дунёдай очиқ Рўзи ака!

Тенгсиз суратлар чизиб, англайдиган юракларни ҳайратга чулғаган Рўзи ака!

Борини дастурхонга бугун сочадиган, эртага эрта келгандан кейин гаплашадиган Рўзи ака!

Бу дунёлар ичида ёвуз дунёларнинг борлигини писанд қилмай, фақат ўз эркида яшаган Рўзи ака!

Детдом болаларини ўқитиш учун югуриб-еладиган Рўзи ака!

Ҳаммани дўст билган, бу дунёдан душмансиз ўтган Рўзи ака!..

Воҳ, мунча сифати кўп одам ҳам бўладими!

Бир санъаткор укамиз яқинда ҳикоя қилиб берганди.

"Эски шаҳарда тўйда эдик, — дейди у. — "Кўча"нинг ҳаммаси жам бўлган. Олағовур. Биров бировга қарамайди. Рўзи ака ҳам тўйга бориб қолган экан"...

Хуллас, Рўзи акага сўз беришибди.

Рўзи ака даврага чиқиб осмонга тикилибди.

— Ассалом, осмон! — дебди у.

Даврага негадир жимлик чўкиб, барча нигоҳлар Рўзи акага тикилибди.

Қарашса, соқоли кўксига тушган бир ажабтовур одам, давранинг ўртасида осмонга тикилиб турибди. Чиндан ҳам осмон билан гаплашаётгандай. Одамлар ҳам негадир осмонга қарабди...

— Ассалом, юлдузлар!.. — дебди Рўзи ака.

Столдан бош кўтармаган давра аҳлининг кўзлари юлдузларга тушибди. Ҳақиқатан ҳам, юлдузлар жимирлаб, нималардир деб бу девонаваш одам билан гаплашиб тургандай.

Рўзи ака энди осмондан пастроққа тушибди. Атрофга тикилибди.

— Ассалом, дарахтлар! — дебди у қувониб.

Давра аҳли дарахтларга тикилишибди. Дарахтлар!.. Қандай яхши дарахтлар!

— Ассалом, одам! — дебди сўнг Рўзи ака даврага қараб.

У киши шундай дебди-да, гапни тугаллаб, жойига бориб ўтирибди.

Одамлар бир-бирларига табассум билан қарашибди.

— Зўр одам экан! — дебди "кўча", — зўр одам экан!..

Кейин бир-бирлари билан қадаҳ уриштирибдилар:

— Ассалом, одам!

Ҳа, Рўзи ака билан ҳар бир учрашган кишининг одамлиги эсига тушар эди!

Жойлари жаннатда бўлсин!

У кишининг ижодий меросларини ва хотираларини муносиб сақлаш эса биз тирикларнинг вазифамиздир.

Рўзи ЧОРИ хотирасига

Рўзи ака! Оғажоним қайга кетдинг?
Мен ҳам энди бўйлаётган жойга кетдинг,
Ойга эмас, қаро ерга — лойга кетдинг —
Қора тупроқ қаърида ҳам юлдуз Рўзи!

Оғриса — жон, нина кирса, этим эдинг.
Бу дунёга қўрсаттули бетим эдинг,
Етмиш учга кириб ҳамки етим эдинг —
Барчага — эл, эл ичида ёлғиз Рўзи.

Истеъдодинг — Қодир ҳақдан хосиятдир,
Ўйин умринг — бу дунёга насиҳатдир.
Ҳаётинг ҳам, ўлиминг ҳам васиятдир —
Дунга — япроқ, мангуликка илдиз Рўзи .

Воҳ, ортингдан данғиллама уй қолмади,
Эл оғзидан қўймайдиган тўй қолмади,
Мол қолмади, сурув-сурув қўй қолмади —
Бугун кийган кийимнинг ҳам енгсиз, Рўзи.

Бу оламда жанг кўрмадинг, ранг кўрдинг сен,
Беранг дунё аҳволини танг кўрдинг сен,
Томчи рангда нажот кўрдинг, онг кўрдинг сен —
Тенгсиз Рўзи, тенгсиз Рўзи, тенгсиз Рўзи!

Магар келдик бу дунёга саёҳатга,
Диллашмадик неча йилким фароғатда,
Энди дийдор қолди, оғам, қиёматга...
Бу дунёлар эсиз қолди, сенсиз Рўзи!

Усмон АЗИМ

19.2.2004.

...ёки ҚУТЛАЙМИЗ!

ЭРТАКЧИ БОБО ЮЗГА КИРДИ

Унинг илк эртакларини тинглаган болаларнинг ёши етмишдан ошиб саксонга етди. У ҳамон бардам — тетик. Қаламини қўлдан қўймайди. Чунончи, 2002 йилда "Фарзандимга", ўтган йили эса "Ғоз карнайчи экан" номли китобларини жажжи болажонларга тақдим қилиди. 2001 йилда мамлакатимизда фан ва таълим, маданият, адабиёт, санъатни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.



Ана ўша бахтли инсон — кичкинтойларнинг севимли ёзувчиси Турғунбой Ғойибов бугун юз ёшга кирди.

Турғунбой Ғойибов болалар тилини, руҳиятини яхши билади. Боиси шундаки, бобонинг асл касби педагог. Турғунбой бобо 1931 йилда Фарғона педагогика институтини тамомлаган. Сўнг ўзи туғилиб ўсган Марғилон шаҳридаги хотин-қизлар техникумида дарс берди. Унинг ўқитувчилик фаолияти, дарсларни қизиқарли ўтиши устоз муаллимларга маъқул тушди. Орадан беш йил ўтгач "Халқ маорифи аълочиси" унвонига сазовор бўлди.

У 1935 йилда чоп этилган "Орзулар қанотида" асари билан адабий жамоатчилик назарига тушди. Шундан сўнг бирин-кетин "Нотаниш бола", "Сирли сўз", "Тўлонполвон қиссаси", "Танбур", "Замон эртаклари", "Кўлсиз рассом", "Сеҳрли уч сўз", "Гулдаста", "Сеҳрли қалам", "Ажойиб хазина", "Марсдан келган бола" каби тўпламлари ёруғлик юзини кўрди. Айни вақтда қиқдан ортиқ китоблари болалар адабиётида ўз ўрнига эга.

Бола қалбига йўл топиш осон эмас, дейдилар. Бунинг учун табиатан бола бўлмоқ жоиз. Теварак-атрофни бола кўзи билан кўрмоқ даркор. Турғунбой бобо қаламига мансуб жамики китоблар шундай сеҳрли кучга эга. Масалан, "Дев ва техника", "Сеҳргарнинг хатоси", "Олтин шохли кийик" асарлари жуда оддий усулда ёзилган.

Болаларни оддий воқеалар тасвиридан кўра ҳайвонлар, ўсимликлар ҳақидаги асарлар кўпроқ қизиқтиради. Ёзувчи жониворларга тил бахш этади, уларни гапиртиради, ўсимликларни худди тирик жондек образини яратади. Бу хусусият эса бола кўнглини яйратади, уни шодлантиради. Она табиатга, ҳайвонот, наботот оламига меҳр кўйишга чорлайди. Шу аснода бола идроки шакллана бораси, эзгуликни, яхшиликни соғиниб вояга етади. Табиийки, мазкур жараён илгарилашида Турғунбой Ғойибовга ўхшаган иқтидорли ёзувчиларнинг ҳиссаси катта.

Турғунбой бобо бир аср яшаб қўйди. Сермазмун ҳаёти мобайнида турли воқеаларга гувоҳ бўлди. Иккинчи жаҳон урушида қўлига қурол олиб фашистларга қарши жанг қилди. Хулласи калом, ҳаётнинг барча алғов-далғовлари уни четлаб ўтгани йўқ. Аммо адиб самимиятини асраб қолди, болаларча соддалигини, беғуборлигини асраб қолди. Ана шунинг учун ҳам асрга тенгдош бобонинг ёзганлари ҳамиша жонли чиқади, ҳаётсеварлик туйғуларига уйғунлашиб кетади.

Инсон умри мўъжизаларга тўла. Биламизки, айни замонда бир юз олтмиш ва ҳатто ундан-да зиёдроқ умр кўрганлар бор. Шуларга қиёсан севимли ёзувчимизга икки юзга кириング, деймиз. Зотан, жажжи болажонларимиз унинг янгидан-янги эртакларига муштоқ.

Соҳиба ИРИСҲОЖИЕВА,
филология фанлари номзоди

ДИЛБАР ШАХСНИ ХОТИРЛАБ

Темурийлар сулоласи тарихи дунё миқёсида қанчалар қизиқиб ўрганилаётгани маълум. Хусусан, ўша шажарага мансуб Мирзо Бобур ижодиётини ер юзининг деярли ҳамма нуқталарида яхши биладилар. Бобурни машҳурлик жиҳатидан назм мулкининг султони Ҳазрат Алишер Навоийдан кейинги иккинчи йирик сиймо сифатида ҳам таърифлайдилар. Бунинг боиси Ғарб менталитетига яқинроқ йўналишда битилган "Бобурнома" инглиз, немис тилларига қайта-қайта ўгирилиб, шарқшунослар эътиборини қозонган. Ана шу буюк тарихчи, шоир, саркарда ва давлат арбоби таваллудининг 521 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Бобур номидаги истироҳат боғи турли касб эгаларию талабалар билан гавжум бўлди.

— Феврал ойини нафис мажлислар ойи, деб биламиз. Шеърият ойи деб биламиз. Бунинг боиси яқиндагина Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунини нишонлаган эдик, — деди анжуманни очаркан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари шоир Минҳожиддин Мирзо, — Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳинд мулкида ўз сулоласига асос солган. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Бобурни "Дилбар шахс" дея таърифлаган эди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, таниқли адабиётшунос Султонмурод Олим, шоира Турсуной Содиқова Бобур шахсияти, ижоди, адабий мероси борасида тўлқинланиб гапирдилар. Ёш шоир Рустам Ўтамурод буюк сиймога бағишланган шеърини ўқиб берди.

Мумтоз наволар анжуманга ўзгача файзу тароват бағишлади.

Андижон шаҳридаги Боғи Бобурда ҳам шоҳ ва шоир хотираси ёдланиб, буюк зотнинг рамзий қабри зиёрат қилинди. Филология фанлари доктори, профессор Фатҳиддин Исҳоқов, филология фанлари номзоди, доцент Баҳромжон Жалилов шоир лирикаси, тарихий асарлари аҳамияти хусусида маруза қилдилар. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоирлар Олимжон Холдор, Фарид Усмон, Хуршида, ёш ижодкорлар Шаҳло Ҳамидова, Санобар Маҳмудова Бобур Мирзога бағишланган шеърларидан намуналар ўқишди. Бобур номидаги вилоят театри, "Мерос" мумтоз ашула ва рақс ансанбли хонанда ва рақҳосалари дилбар куй ва қўшиқлари, рақслари билан анжуманга файз киритишди.

ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

АЁВСИЗ ЗАМОН ДРАМАСИ

Таваллудига юз йил тўлган шоир ва олим Олтой — Боис Қориев қисмати кўпгина замондошларникидан кескин фарқ қилмайди. Шафқатсиз мафкурани қурол қилиб олган раҳмсиз тузум Олтойнинг ижодини айни гуллаган бир даврда синдирган эди. Унинг айби объектив ҳолатга объектив қараш ва баҳо беришда эди. Олтой Элбек, Фитрат, Чўлпон, Қодирий билан бир даврда ижод этган бўлса-да, янги мафкурага ишонмаса-да, аммо ўз халқининг тарихий қисматидан айри яшамади. У ўша даврда тўлиқ Чўлпоннинг таъсирида эди. Аввалига бир-бирига жуда яқин бўлган бу икки ижодкор ораси мафкура даҳшати сабабли тобора узоқлаша борди. Шу боис Чўлпон ва Олтой ўзаро муносабатлари зиддиятли, десак сира муболаға бўлмайди. 20-йиллари, ҳатто кейин ҳам — Элбекни ҳисобга олмаганда — Чўлпон каби ўз халқи тақдири ҳақида куйиб-ёнган ва энг севиб ўқилган шоир йўқдир.

Шўролар ва фирқанинг ёлғон жаннатига ишонганлар учун Ватан ва миллат тушунчалари бегоналашиб қолган эди. Олтой сохта эътиқодга қандай боғланиб қолгани ҳақида таржимаи ҳолида ёзмайди. Шеърлари, мақолаларида ҳам бирон ишора кўзга ташланмайди. Бизнинг назаримизда, бу унинг Масковда Коммунистик партия академиясида ўқиганлиги таъсири бўлса керак. Ҳарҳолда, "Дархон" газетасида ишлаш чоғида бундай мафкура сезилмайди. Унинг Чўлпон билан дурустроқ танишуви ҳам шу газетадан бошланган, ўзи бу ҳақда шундай дейди: "Бадиий ижод билан 1923 йилдан бошлаб шуғуллана бошладим. Мен бу вақтда мафкуравий ва техник жиҳатдан тўлиқ Чўлпоннинг таъсирида эдим. "Дархон" ("Озодлик") газетасида босилган ўнга яқин шеър, очерк, мақолаларим Чўлпон томонидан таҳрир қилинган. 1924 йил "Фарғона" газетасига юборилган икки-уч шеър ва сочмаларимни ҳам Чўлпон таҳрир қилиб берган. Унинг баъзиларини газетада ўқиб, нечоғли чўлпонона руҳ билан суғорилганини кўриб таний олмай қолганман.

1925 йилда "Кўмпартия академияси"да ўқиб юрган чоғимда, 1926 йилнинг бошида Чўлпон билан яна кўришдим. У ўзбек студиясида адабий ходим эди. Мен Чўлпон билан фикр алмашиб, у мутлақо ўзгармаганини, ўша миллатчилигича қолганини сездим. Чўлпон студия маърузаларини таржима қилиш мобайнида, улар келтирган мисолларни тингловчилар эътиборини миллий шароитга тортиш учун кўпгина ўзбек ҳаётидан олинган мисоллар билан алмаштиришни айтиб берган эди. Чўлпон ўша пайтдаги адабий ишларга миллатчилик ғояларини усталик билан яширган...

Мен 1924 йилдан бошлаб матбуотда Чўлпонга қарши ёзганимни айтишим керак. Чўлпон билан учрашган пайтимда у бундай чиқишларнинг фойдасиз эканлигини айтар эди. Мен Чўлпоннинг олдида ўзимни унга нисбатан ожиз эканимни ҳис қилар эдим".

Умумий ҳисобда 25 йил машаққатли маҳбуслик ҳаётини бошидан кечирган Олтой ҳаётни, яшашни ниҳоятда севарди. НКВДнинг даҳшатли азобларини, маккорлигу ёвузликларини кўраверib, маънавий-руҳий, жисмоний чарчаган шоир зулмга ён беришга мажбур эди. Ўзга чораси ҳам йўқ эди. Бинобарин, унинг Чўлпонга муносабатини замона зулмининг оқибати, деб қаралмоғи лозим.

Олтой кўз олдида бир гуруҳ ўзбек адиблари оқланди. Аммо уларнинг асарлари сталинчиларнинг тазйиқи остида босилмайди, теран илмий тадқиқотлар учун манба сифатида олишга рухсат этилмайди. Сабаби, 50-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг охиригача "фуқаро сифатида оқланган-у, мафкура ёқдан оқланмаган" деган чучмал "формула" (Олтой ибораси) ҳукмронлик қилди.

Олтой "Аланга" сарлавҳали охирига етказилмаган мақола мулоҳазасида синфий кураш, 20-30 йиллардаги танқидий чиқишларни мулоҳаза қилар экан, ўтмишдаги кураш беҳуда нарса бўлганлигини англаб етади. У бу ҳақиқатни тушуниб етгани учун ҳам мақоласини "Аланга" деб атайди. У сиёсий найранг-ларни идрок этаркан: "...англаш мумкинки, худди миллатчи шоир-адиблар, шуларнинг гражданлиги оқланган кунлардан бошлаб уларнинг идеологик ёқлари оқланмаган, деган тушунча ва маънони чиқаришга тўғри келади... Ўтган курашларни бу формула кўрсатишга ожизлик қилади ва йўққа чиқаради", деган хулосага келади. Бу шоирнинг ҳақиқатга тик қараши ва қалби, идроки тубига яшириниб олган улкан қўрқувнинг ҳосиласи эди.

Қирғиннинг аёвсиз машинаси хорланган, зорланган, қамалганларнинг барчасини шу аҳволга солган эди. Бу аёвсиз замон драмасидир.

Сирожиддин АҲМАД

Қуйида Олтойнинг "Фарғона" газетасида Чўлпон таҳririда босилган шеърлари илк бор эълон қилинмоқда.

ОЛТОЙ

ИСТИҚБОЛ УЧУН

Порлаған, юксалган умуд тўлуб,
Чойқалғон тўлқунда тошиб бораман!
Бораман, чоғлайман, ҳайқириб, югуруб,
У армон, истиқбол биносин қураман!
Инграган, йиғлаган мозийга қараб,
Пичинг сўз билан ўқларни отамен!
Яна у — кенг хаёл гирдобин бузуб,
Истакнинг кўзлаган ерига борамен!
У эмас, истагим, бошлар қотирғон,
У эмас, бўш хаёлларга ўхшаған!
Истагим ердадур, ерни қучоқлайман!
Ердадур истиқбол нашъаси, дейман!
Келгуси, келгуси порлоқ,
Бели куч,боши тош йигитлар,
Гувуллаб етишиб келадур,
Келгусу, келгуси порлоқ.
Порлаған умудга қўшулуб учамен,
Яна истиқбол учун порлағил! —
дейман.

24 июл, 1924 йил

ҚУВОНИШ

(Фарғона учун)

Сўнган, дим бўлғон нафаслар ичида,
Ўртанган,ғаш бўлғон аламлар ичида,
Йиғлаған, зорланғон уйлар ичида,
Умудлар чойқолғон амаллар ичида,
Инграган товушлар тўлқунида,
Додлаган фарёдлар алангасида,
Тасалли, юпатиш, севинч нишоналари,
Келгуси турмушнинг
ширин афсоналари!
Энди:
Табиат чеҳраси ёсонғон, безанган.
Қаранг!
Ҳар алам узулиш зарбасида!
Энди:
Кўриниш: аламсиз
сирларга тўлғон, кўринг!
Қор қойғи йўқ бўлиш шарпасида!
Яна,
Қайғулар, оғриқлар билинмайдур.
Яна,
Йиғлашлар, инграшлар кўринмайдур!
Юраклар умудга тўлуб борадур,
Келгуси порлаб юксакка учодур!

12 август, 1924 йил, Қўқон

Боту шеърига тақлид.

АКУТАГАВА СИЙРАТИ БИЛАН ЮЗЛАШГАНДА

Акутагава Рюноске япон адабиётини жаҳонга танитган ижодкор. Бу адиб ижоди XX аср жаҳон адабиётининг энг мураккаб, ёрқин ва кабир ҳодисаларидан биридир.

У ўз ижодида япон ва Европа маданиятини уйғунлаштирган. Авлод-аждоди зиёлилардан бўлган (унинг ота-боболари Эдо даврида, 1663 — 1867-йилларда машҳур ёзувчи ва олим бўлишган) оилада дунёга келган Акутагава хитой классик адабиёти, қадимги япон поэзияси ва тасвирий санъати таъсирида ўсди. Шунингдек, у инглиз адабиёти бўйича ҳам йирик мутахассис эди. Акутагава 1916 йили Токио университетининг инглиз адабиёти бўлимини битириб, Камакурада 3 йил инглиз тилидан дарс беради. 1918 йили эса Токиога қайтиб келади ва ўз ҳаётини бутунлай бадиий адабиётга бағишлайди.

Акутагава талабалик йилларидаёқ матбуотда илк ҳикоялари билан қатнашган. Ўша пайтларда у машҳур ёзувчи Нацумэ Сосэки эътиборига тушади ва у билан яқин алоқада бўлади. Нацумэга, айниқса, унинг "Бурун" ҳикояси (1916) жуда маъқул бўлади. "Бу ҳикоя — деб ёзганди Н.Сосэки, — ўта нозик дид ва ҳаҳиқий юмор билан суғорилган. Унда ортиқча ҳазилларсиз чиндан кулгили воқеа тасвирланган. Шу билан бирга, мавзунинг янгилиги ҳам ҳайратга солади кишини. Ҳикоя композицияси ўта таъсирли ва ажойиб қурилган. Мен ҳайратдаман! Муаллиф яна шундай ҳикоялардан 5-10тасини ёзса, бас, шунда сизлар унга тенг келадиган бошқа моҳир сўз устасини тополмайсиз". Нацумэнинг бу башорати кейинчалик ўз тасдиғини топди.

Ҳажман ихчам "Ўргимчак тўри" номли ҳикоясида ўта ёвуз, одамларни шафқатсизларча ўлдирган қароқчи Кандатанинг вафотидан сўнг дўзахга тушгани тасвирланади. Дўзах қозонида қайнаб азобланаётган Кандатага юқоридан бир ўргимчак (у тириклигида шу ўргимчакнинг ҳаётини сақлаб қолган эди) ипини ташлайди. У ипга ёпишиб юқорига кўтарила бошлайди, дўзах қозонидан узоқлашиб пастга қараса, дўзахдагилар ўргимчак ипига ёпишиб, унинг орқасидан чиқиб келишаяпти. Ўргимчак ипи ҳаммани кўтаролмайди-ку, дея у ўзидан пастда келаётган одамнинг бошидан тепа бошлайди. Бироқ ип у ушлаб турган жойидан узилиб, уларнинг бари яна дўзах қаърига тушиб кетишади...

Дафъатан бу ҳикояни изоҳлаш қийин. Шу ўринда бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ҳадисларидан бири ёдга келади. Унда пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг "Бир банда жаннат аҳлига мансуб ишларни қилиб юриб, пировардида дўзах аҳлига мансуб ишни қилиб қўйгай ва бир банда дўзах аҳлига мансуб ишни қилиб юриб, пировардида жаннат аҳлига мансуб ишни қилиб қўйгай. Дарҳақиқат, амаллар хотимасига кўра баҳолангайдур!", деган гаплари келтирилган. Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, ёзувчи бу ҳикоясида инсон характерини, унинг тийнатини синаб кўрувчи фавқулодда бир вазиятини танлаган. Дарҳақиқат, "Мен мавзу танлайман ва уни ҳикоямда ёритишга ҳаракат қиламан, — деган эди Акутагава. — Мавзуни бадиий жиҳатдан таъсирли чиқариш учун менга фавқулодда ҳолатлар зарур. Аммо мен фавқулодда ҳолат ҳақида унинг айни фавқулоддалиги учун ҳикоя қилолмайман. Ушбу қийинчиликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли воқеаларни ўтган замонга, қадим-қадим дунёга кўчириш. Тарихий воқеа ҳақида ёзишимга қарамасдан, менда бу воқеага нисбатан тарихчи сифатида қизиқиш йўқ".

Ҳақиқатан ҳам, Акутагава қайси даврга оид воқеани тасвирлашидан қатъи назар, доимо инсон қалбининг жумбоқли сирларига эътиборни қаратади. У ҳикояларида муамоларни ҳал этиб бермайди.



Ёзувчининг асосий мақсади воқеа-ҳодисаларни айнан кўрсатиш. Умуман, воқеа-ҳодисалар Акутагава асарларида бир қолипдаги тайёр нуқтаи назардан туриб тасвирланмаган. У ҳаётнинг нақадар мураккаблигини, инсоннинг битмас-туганмас ички дунёсини, қалб кенглигининг чексиз-чегарасизлигини теран англаган. Адиб ҳаётий саволларга бир маънода ёки бир қолипда жавоб қайтариш доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермаслигини исботлашга ҳаракат қилади. "Тўқайда" номли ҳикоясида у ҳар қандай воқеага бир хил тарзда жавоб қайтариш нотўғрилигини кўрсатиб берган. Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундай: судда қароқчи бир эр-хотинни тўқайзорга алдаб олиб бориб, эрини жангда ўлдириб, хотинини тортиб олдим, дейди. Аёл эса қароқчи эримни дарахтга боғлаб қўйиб, номусимга тегди, бунинг гувоҳи бўлгани учун эримни ўзим ўлдирдим, дейди. Арвоҳнинг ўзи келиб бундай шармандаликни кўрганимдан сўнг ор-номусимга чидолмасдан ўзимни-ўзим ўлдирдим, дейди... Хуллас, ҳикояда бир қотилликнинг уч хил талқини берилган ва уларнинг ҳар қайсиси ҳам ҳақиқатга тўғри келади. Ҳар уч талқинда ҳам ўша вазиятдаги ҳолат, характер, ҳаракат мантиқан исботланган. Бу ерда ўқувчи қайси бирига ишонишни билмайди. Ушбу ҳикоя асосида суратга олинган машҳур режиссёр Акиро Курасава филмида ҳам бунга аниқ жавоб топа олмайсиз.

Акутагава инсоннинг ботиний оламини англашга интилади. Агар аксарият япон ёзувчилари ижодининг асосий қисмини инсон ва унинг жамият билан ўзаро муносабатлари ташкил этса, Акутагавани фақат инсон, унинг табиати, айнияти ва ички олами қизиқтирган. Инсон — ким у? Унинг қалб ҳаракатини қандай тушуниш мумкин? Инсон қалбида нималар мангу ва ўзгармас, нималар ўткинчи ёки вақт тақозоси, яшаш тарзи туфайли юзага келган? Инсон характерининг ёруғ ва қоронғи томонлари, эзгулик ва ёвузлик хислатлари асли қаердан пайдо бўлади? Ёзувчи ўз нигоҳини бутунлай инсон руҳияти, психологиясининг ҳали кашф этилмаган томонларига қаратади. Яъни инсон қалбининг кенглигини ўрганади. Акутагава инсоннинг ўзига хос кичик дунё эканини бошқалардан кўра теранроқ англаган. Зеро, инсонни чуқур билгандан сўнггина дунёни, унинг сирларини англаш мумкин. Вақт, замон, яшаш мажбуриятлари инсон характерида у ёки бу тарзда из қолдиради, албатта. Лекин инсонда булардан ташқари яна бир нарса — Тангри томонидан инъом этилган ўзгармас илоҳий бир ҳилқат ҳам мавжуд. Акутагава айнан шу ҳилқатни кашф этиш учун умрини бағишлади. У эски ҳақиқат изидан — ғоятда мураккаб ва машаққатли бўлган ўзўзини англаш йўлидан борди.

Акутагавагача бўлган япон адабиётидаги қаҳрамонлар аксарияти одатда жамиятдан четлашган, хилватга чекинган кишилар эди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги жамият ҳаётининг ажралмас қисми сифатида иштирок этарди. Акутагавани эса жамият ва инсон муносабатлари унчалик қизиқтирмаган, у инсонни қандай бўлса шундайлигича ўрганган. Унинг эътиборини замон ва маконнинг ўзаро алоқалари ҳам торта олмайди. Унинг асарларидаги воқеалар силсиласи хоҳ фантастик дунёга, хоҳ ер тагига, хоҳ дўзахга, хоҳ жаннатга боғланишидан қатъи назар, адиб инсон ботинидаги замонга, даврга боғлиқ бўлмаган хусусиятларни излар эди. Шу сабабли, у инсон қалбини синаб кўриш учун кескин сюжетли вазиятларни топади.

Акутагава ижоди аниқ бир изчилликдан холи. Унинг ҳикояларида инсоннинг онги остидаги нарсанинг бир лаҳзада юзага отилиб чиқиши чиройли тасвирланади. Шу ўринда "Дўзах азоби" ҳикоясини таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ҳикоя қаҳрамони рассом Ёсихидэга хўжайини Хорикава дўзах картинасини чизишни буюради. Кўриниши ўта хунук бўлган рассом Ёсихидэнинг ғалати одатлари бор эди. Масалан, у дўзах картинасининг ҳар бир эпизодини шогирдлари устида синаб кўради. Чунончи, бир шогирдини илонга чақтириб, унинг изтиробли ўлимини картинага кўчиради. Хўжайини чизишни буюрган картинанинг марказида ёнаётган аёл танаси тасвирланиши керак эди. Табиий, рассом буни ўз кўзи билан кўрмагунича тасвирлай олмайди. Бу ҳақда у хўжайинига мурожаат қилади. Айёр ва шафқатсиз Хорикава рассомнинг кўзи олдида унинг яккаю ягона қизини ёқишни буюради. Бу билан хўжайин ўжар Ёсихидэнинг ақлини жойига солиб қўйиш ва бир вақтлар унга рад жавобини берган қизидан ҳам ўч олмоқчи эди. Оловда ўз қизининг ёнаётганини кўрган Ёсихидэни ёзувчи шундай тасвирлайди:

"У ўзини билмаган ҳолда каретага ташланмоқчи бўлди, лекин шу пайт, айни тана ёна бошлаганда тик қотиб қолди, қўлларини олдинга чўзганча кўзини узмасдан, ютиб юборгувчи нигоҳла ўша томонга қараб қолди... Ғайритабиий ҳолат юзага келган эди: шу вақтгача гўё дўзах азобини тортиб келган Ёсихидэ, кўкрагига қўлларини чалиштирганча, ҳатто хўжайинининг борлигини ҳам унутган, ажин босган юзида тасвирлаб бўлмас бир ҳаяжон, эсдан оздиргувчи бир ҳайрат муҳрланиб қолган эди. Гўё унинг кўзлари олов гирдобида ёнаётган қизини ҳам кўрмаётгандек эди. Қизил аланганинг гўзаллиги ва унда чирпирак бўлиб ёнаётган аёл танаси унинг қалбини чексиз ҳайратга солган ва бутунлай мафтун этиб қўйган эди". Ушбу тасвирдан ҳам кўринадики, демак, инсондан ҳам кучлироқ яна нимадир бор экан. Тўғри ҳикоя сўнггида Ёсихидэ "Дўзах азоби" картинасини тугатиб, ўзини осади. Ёзувчи бу ҳикоясида инсон қалбининг энг юқори нуқтага кўтарилган ҳолатини тасвирлайди. Унинг фикрича, инсон инсонийлигини йўқотгандан сўнг қолган барчаси арзимаган нарсага айланади. Лекин бу ерда Акутагава рассомни айбламоқчи эмас. Ёсихидэ нимаики қилган бўлса, ўз ихтиёри билан бажармади. Баъзи бир ҳолатлар борки, у инсон иродасига бўйсунмайди, бу ҳолатни даҳонинг илоҳий илҳоми келган лаҳзага ўхшатиш мумкин. Илҳом гирдобига тушиб қолган, деярли ҳушсиз, номаълум, англаб ва енгиб бўлмайдиган бир куч унинг ўзини, ҳатто бутун борлиқни унутишга мажбур этади. Олий ижодий ҳилқат — бу кўкнинг иродаси. Ўша ҳилқат унинг қўлларини ҳаракатлантира бошлайди, бунга қаршилик кўрсатишга эса унинг қурби етмайди. Ушбу ҳилқатга маҳкум этилган инсон айбдор эмас, уни бу ҳолатда айблаб бўлмайди. "Дўзах азоби" — бу олий ҳилқат учун тўловдир.

"Бизнинг ўзимизда нимаики бўлса, уни охиригача такомиллаштирмоғимиз керак. Мукаммалликка етишиш ва будда бўлишимиз учун берилган яккаю ягона йўл шундан иборат", дейди Акутагаванинг ўзи. Дарҳақиқат, инсон ўзидаги барча имкониятларни тўласича намоён этгандан сўнггина ўзининг кичкина "мен"и чегарасидан чиқа олади.

Акутагаванинг бир нечта ҳикоялари ("Тўқайда", "Ўргимчак тўри") "Шарқ юлдузи" журналида ҳамда "Пигмей сўзлари" (Чори Аваз тажимасида) битиклари алоҳида китоб ҳолида ўзбек ўқувчиларига тақдим этилган эди. "Жаҳон адабиёти" журналининг 2003 йил декабр ойи сонида ёзувчининг "Ду Цзичун", "Ўргимчак тўри", "Расёмон дарвозаси" ҳикоялари Мавлуда Иброҳимова таржимасида босилди.

Акбар НУРМАТОВ,
Жаҳон тиллари университети докторанти

Дунё — кенг...

АЖДАҲОДАН ҚОЧГАН ҚИЗ

Ҳиндистон Шимолидаги Уттар-Прадеш вилоятининг Уннао қишлоғи аҳолиси одамхўр баҳайбат питон илони ҳақидаги совуқ хабарни узоқ вақт кулиб эслаб юришса керак. Дастлаб уларни даҳшатга солган бу хабар кейинчалик...

Воқеа бундай содир бўлган эди. Етти яшар қизча уйларига чопқилаб келиб, ота-онасига жуда катта илонни кўрганини, баҳайбат бўғма илон дарахт тагида ўтирган опасига ташланганини айтади. Қизалоқ опасини илон ютганини-ю судралиб уясига кириб кетганини ўз кўзи билан кўрганига уларни ишонтиради.

Бу ваҳимали хабар яшиндай зум ўтмай қишлоққа тарқалади, қишлоқ аҳли дарҳол оёққа туриб, қизалоқ кўрсатган дарахт тагига етиб келишади. Афсуски, бу жойда қизалоқнинг опаси — ўн олти ёшли Гуддонинг оёқ кийими ва қўйлагининг йиртилган парчалари ётарди. Қишлоқ аҳли илоннинг уясини топиб ковлашга киришди. Бироқ у ерда аждаҳодай илоннинг ўзи ҳам, унинг қурбони ҳам топилмади. Тўғри, уядан бир кичикроқ илон чиқди, бироқ унинг кап-катта қизалоқни бус-бутун ютиб юборишига ҳеч ким ишонмади.

Шу орада вилоят ўрмон хўжалигининг бир гуруҳ ходимлари етиб келишди. Улар анча вақт бош қотиришиб, ҳар қандай катта илон ҳам ўн олти яшар қизни бутунисича ютиб юбора олмайди, деган фикрда тўхташди. Боз устига, питондай баҳайбат илон ютиб юборган ўлжани ўн беш-йигирма кун деганда ҳазм қила оларкан. Бу вақт ичида у камҳаракат бўларкан,узоқроққа судралиб кетиб қололмаскан.

...Хуллас, кўп оввора-ю сарсонгарчиликдан кейин аждаҳодай илонни эмас, қизни топишга муваффақ бўлишди. Аждаҳодан қочган қиз — ўн олти яшар Гуддони полициячилар топди. Маълум бўлишича, Гуддо ўзи севган йигитникида — қўшни қишлоқда экан. Унинг питонга ем бўлгани Гуддо ўйлаб топган найранг бўлиб чиқди. Бўй етган қизни ота-онаси бошқа бир одамга узатишмоқчи бўлишганда у шундай йўл тутишга, яъни "аждаҳодан қочиб қутулиш"га мажбур бўлганини айтди.

P.S. *Бироқ ҳақиқатан ҳам питон номли баҳайбат илонлар бор экан. Яқинда тарқатилган бир хабарда, Индонезияда ана шундай улкан газанда қўлга туширилган. Унинг узунлиги 14,85 метр, оғирлиги эса 447 килограмм, деб хабар беради АР агентлиги.*

ҚЎЛГА ТУШМАС... КИССАВУРЛАР

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, бу мамлакатдаги йирик шаҳарлар аҳолисининг ҳар тўрттасидан бири чўнтаккесарлардан жабрланаркан.

Маълумотларда кўрсатилишича, фуқароларнинг чўнтакларини «енгиллатадиган» шоввозларнинг 66 фоизи бозорларда, 30,7 фоизи транспортларда ва 3,3 фоизи дўконларда «иш қилишаркан».

Киссавурлардан, ҳатто, театларда, тақдимот маросимларида ҳам жабр кўрганлар бор. Бу тоифа ўғрилар, асосан, пулга ўч бўлишади. «Буюртма» тушганда эса, турли хил ҳужжатларни, масалан, паспорт, ҳарбий гувоҳномаларни ҳам шилиб кетаверишади. Чўнтаккесарларнинг ўғирликлари оқибатида бир йил мобайнида фуқароларга етказилаётган моддий зарар миқдори Россия бўйича нақд уч миллион долларга тенг экан.

Дарвоқе, деб ёзади «Аиф» газетаси, икки йил олдин Россия Ички ишлар вазирлигининг чўнтаккесарларга қарши кураш бўлими тарқатиб юборилган эди. Ҳозир улар билан курашадиган бўлим расман фақат Москвада фаолият кўрсатади, холос.

Чўнтак ўғриларидан тўлатўкис ҳимояланишнинг мутлақо иложи йўқ, деб ёзади газета ва ягона чора сифатида фуқароларга эҳтиёт бўлишни маслаҳат беради: пулингизни ҳеч қачон полеэтилен пакетда ва орқа тарафдаги чўнтакда олиб юрманг; пулни чўнтакларга бўлиб-бўлиб солиб юринг, киссавур чўнтакларингизнинг ҳаммасига қўл тиқиб кўролмайди; одам гавжум жойда кўп миқдордаги пулни очиб кўрсатманг.

ЯНГИ РУКН: ЕТТИ ИҚЛИМ ОВОЗИ

Шеъриятга қизиқиш ҳар минтақада турлича бўлади. Кейинги вақтларда адабий доираларимизда Ғарб назмига, шунингдек, қитъамиздаги илғор оқимларни билишга иштиёқ анча кучайди. Француз, испан, айниқса Америка бадиий тафаккуридаги ўзгаришлар аксарият муштарийларимизни қизиқтирмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур рукнни ташкил қилишни лозим топдик.

Саҳифамизнинг илк меҳмони — Жанубий Корея шоирлари. Сабаби жанубий кореяликлар билан борди-келдиларимиз, алоқаларимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Аксарият шоирларимизнинг шеърий туркумлари корейс тилига ўгирилиб ойномаларда чоп этилган. Бинобарин, хозирги замон корейс назми билан бир танишиб қўйиш шинавандалар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШОИРЛАРИ

КИМ ХЁН ЧЖО

ОНАМ УЧУН ДУО

Юзида авлиёники каби чуқур ажиллар
Бармоқ бўғимлари қаттиқ сиқилган
Вақт ва шуълани ўзига чорлаб
тонг этагида юради онам
гулхан алангаси сингари

Тирноқлари ила зулматни ҳайдар
Бир умр ҳорғин
серташвиш онамнинг
юзидан аримас
реза-реза тер.

Эрта тонг
Ҳовлида кезинган изғириндан
қўкарган лаблари пичирлаб
дуо ўқир онам кафтини очиб
изғиринни сал нарига қувмоқлик учун.

Сабот ила, қуруқ кўз ёшлар ила
ўзи учунмас
ўзгаларга бағишлаб бор ҳаётини
уззукун шундоқ яшайди онам

Умри ўтди,
тириклик ғамида елди, югурди.
мана энди топгани
бир уюм тупроқ.

Хуш кўрмасди қашшоқликни у
ячинмади ўттан умрига.
У йўл олди ўзга дунёга.
Эй тўлин ой!
Онамнинг қабри оша мўлроқ ёғду соч,
Мадад бер унга, мадад бер!

ЁЗ БОШЛАРИДА

Баҳор кунлари
соялар орасидан
гулбарглари билан учиб кетмоқда.

Сиз эшита оласизми
сарғайиб учаётган товушни,
бўғилиб учаётган товушни,
деворлар тутқуни ўша товушни

Жарликлар яширар акс-садони,
ашёларни улоқтириб ўйламай-нетмай
ҳувиллаган қалб ичра мум каби эриб
товушсиз, товушлар тугуни ила
худди чирт узилган сим янглиғ
йироқлашиб кетаётир баҳор кунлари.

ДЕҲҚОН

Тонгдан сал аввалроқ уйғониб
шудрингларни безовта қилар.

Янги ғайрат ила
қутларкан тонгни
сийпалаб қўяди карам жўяғин.

Деҳқоннинг қалб қуввати
ер кучига куч қўшади.

Кўтарилаётган қуёш нури остида
япроқларни тебратар ям-яшил шамол

Шу алфозда ҳамжиҳат бўлиб
бир-бирига кўмак беришиб
улкан тонгни қарши олишар ҳамқишлоқлар.

КЎЛ

Бу— ўттан вақтлардир изига қайтган
музга дўнган кумуш томчилардир

Бу— қулгусиз ва йиғисиз
Ўлим ва Вақт ҳақидаги баҳс.

Бу— ҳаёт нафаси тўхтаб турган маскан.
Бу— Борлиқнинг бори-йўғи.



ХВАН МУН КВОН

ШУНЧАКИ, АВВАЛГИДЕК

Шамол олисларга олиб кетган
қузак ёмғири
қўксингга чак-чак томиб
поклай бошлар қалбингни.

Ўзинг ҳам билмайсан
қайдан келдинг, қайга кетарсан
тўхтама, йўлингда давом эт
шунчаки, аввалгидек.

Ғир-ғир эсаётган шабадаликда
кўринса, кўринмаса
устингдан кулгани бегоналарнинг
юксакдан ёғавер ёмғирга ўхшаб
шунчаки, аввалгидек.

ЭРИНЧОҚ ҚУШ ҲАҚИДА

Илгари, анча илгари
Қор қоплаган тоғларда яшар эди бир эринчоқ қуш.
Хан-го, хан-го дея сайрарди кун бўйи тинмай,
Ўзун тунлар совуғида қолган онларда
Ўйлар эдики: "эртага тонг отсин. Ўзимга
бежиримгина ин қураман" деб.
Кун қизигач унутарди қарорини.

Яна аввалгидай жаранглади
даралар аро "хан-го"си.
Кунлар елдек ўтиб кетишди
қаттиқ тақиллади тақдир соати
дафъатан теваракни қучди изғирин.
Қуш эса афсусланиб деярди нуқул:
Эртага тонг отсин. "Ин қураман" деб.
Бунга эришаолмади бироқ.
Тонг отди. Қуш уйғонолмади.

ИМКОН БЕРИНГ ШУНДАЙ ЯШАШГА

Фақат
Эсаётган шамол тилида томчидай томаётган
нақлни эслаб яшашга имкон беринг

Фақат
Дарахт шохчаларида жилмайганда қўклам
анвойи гулларнинг қўшиғин тинглаб
ифори димоқни ёргудай оқ гулларни қучиб
баҳор ила рақс тушиб яшашга имкон беринг

Фақат
Ёз ёмғири қамчисига чидаб сабот-ла
худди ўрмон оғушига кириб бораётган каби
хилма-хил сасларни тинглаб, бетон йўл бўйлаб
денгизга боришга имкон беринг

Фақат
Кузнинг тубсиз осмони остида
каштан новдалари расмини
қалбга чизиб яшашга имкон беринг

Фақат
Қишда, дўстлар ила қорбобо ясаб
гурунглашиб олтин тилли гулхан атрофида
афсоналарни эслаб яшашга имкон беринг

Майли ҳаёт узоқ давом этган туш
Аччиқ кўз ёшлари бордир.
Лекин қўшчидай қора тер тўкиб
яшашга имкон беринг.

Берди РАҲМАТ таржималари

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази қуйидаги мутахассисликлар бўйича ходимларни бўш ўринларга ишга қабул қилади:

1. Халқ ижодиёти соҳаси бўйича — услубиятчи.
2. Маданий-маърифий ишлар бўйича — етакчи йўриқчи.
3. Тасвирий ва амалий санъат бўйича — етакчи йўриқчи.
4. Кино-фото санъати бўйича — йўриқчи.
5. Эстрада мусиқаси ва дискотека йўналиши бўйича — шўъба мудири.

Юқорида қайд этилган лавозимларга ишга кирувчилар олий маълумотли, ўз соҳаси йўналишида камида 5 йил иш стажига эга бўлиши лозим

6. Электр жиҳозларини таъмирловчи.

Мурожаат учун телефонлар: *41-30-72, 40-51-59.*
Манзил: Сағбон кўчаси, *16-А* уй.
Мўлжал: Эски жўва майдони, Табиат музейи ёнида.
Ишга кирувчилар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Саньат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Нурбой ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 364. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 5670